Алмашмоқ феъли барча ўринларда (3 марта) диереза ҳодисасига учраб, **-ма** тушиб қолган ва алишмақ тарзида қўлланган. Бу шева хусусиятларига тўла мос келади: Энанг қурғур, шунда нафсга адашди, Сени олди - ўз ўзига алишди (277). Ана энди иккови мотам тутиб, йиғлашиб, сен пулга алишган эдинг, деб Эрназар хотинини уришиб турганда, Орзигул мактабдан келди (275).

Сувонхоннинг минган оти / Хўп жонивор хунарвандди (323) мисолида отга нисбатан қўлланилган хунарванд сўзидаги **м** нинг **в** га ўтиши ёки ойнаванд сўзида ҳам **б** нинг **в** га ўтиши учраса-да, бу же-ловчи шевалар учун хослик даражасига кўтарилган эмас. Бу тарздаги ўтишлар Фозил Йўлдош ва Эргаш Жуманбулбул достонларида ҳам учрамади. Шундай экан, унинг қўлланишини хусусий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

«Орзигул» достони юзасидан амалга оширилган фонетик таҳлиллар айрим унли ёки ундош товушларнинг кискаруви ёки орттирилиши, масалан, баъзи товушлар ёки қўшимчаларнинг тушиб қолиши (қилайик, борайик, бўнг, берам, кирами, турами), товуш алмашиниши (**з-р**, **н-л**, **ҳ-й**), товуш орттирилиши (**и,н**) каби фонетик жараёнлар же-ловчи шевалар доирасида амал қилишини кўрсатади. Достон муаллифи уларни ана шу шева вакили сифатида қўллаган ва уни фақат биргина достон тилига хос бўлган хусусиятлар сифатида қараш керак эмас.

Достон матнидаги аллитерация ва ассонанс ҳодисаларига нисбатан бу фикрни айтиб бўлмайди. Улар Ислон шоирнинг достон қуйлаш жараёнига индивидуал ёндашув маҳсули ва поэтик маҳоратининг таркибий қисми сифатида қаралади.

Кипчок шевалари талаффузига хос бўлган кўплаб фонетик жараёнларнинг достон тилида учрамаганлиги уни ёзиб олувчининг асар тилини адабий тил меъёрларига яқинлаштиришга бўлган интилиши билан изоҳланади.

ни, указанный в родительном падеже (работал до обеда)» [8:316-317].

В конструкции с таким значением главным компонентом выступают чаще всего глаголы, характеризующиеся протяженностью действия или состояния во времени (спать, проложиться, ждать и многое другое).

Значение предела во времени в зависимости от особенностей подчинённых компонентов конструкций на каракалпакском языке передаётся несколькими способами. Ведущим из них является дательная-направительный падеж с одним из послелогов «шекем», «шейин» и «дейин», если зависимыми компонентами словосочетаний выступают имена существительные с временным значением (ночь, утро) или связанные с понятием времени (праздник) и количественно-именные сочетания с наименованием единицы времени (5 часов дня, 2013-й год).

Например: Дед Шукарь торговался с цыганом до полу́дня (Шолохов. «Поднятая целина», 1, 226). – Шукарь ба́ба цы́ган ме́нен ту́ске ше́кем са́ўдаласты (Шолохов, Ашылған тың, 1, 272).

Если же подчинёнными компонентами исследуемых конструкций выступают отвлечённые имена существительные со значением действия или же явления природы, относимые к вполне определённому времени, а также действия и состояния, наступление которых осознаётся как временный предел совершения другого действия, указанное значение может быть переведено развёрнутыми обстоятельствами времени, осложнёнными причастным оборотом на –ғанша с фонетическими вариантами.

Например: Кербога бул жерде таң атқанша қатты (Баскаков, «Материалы по диалектологии», 41). – Кербога здесь спал до восхода солнца (Там же).

Необходимо отметить, что в тюркологии при определении предложений вышеуказанного типа нет единого мнения. Одни учёные [3, 4] предложения такого типа относят к придаточным предложениям времени, другие [5, 6] – среди них находят и придаточные предложения времени, и обороты. Третья группа учёных [2] все причастные, деепричастные и отглагольно-именные обороты относит к развёрнутым членам простого предложения, считая решающим признаком придаточных предложений наличие сказуемого в личной форме. Данная точка зрения является наиболее правильной и на наш взгляд.

В соответствующем словесном окружении конструкции «до+род.п.» могут быть переданы также причастным оборотом на –ған в дательной-направительном падеже с послелогом «шекем», «шейин» и «дейин».

Например: До приезда Деленева Корчагин был шахматным «чемпионом» в санатории (Островский, «Как закалялась сталь», 374). – Деленев келгенге шекем Корчагин санаторийда шахмат «чемпионы» еди (Островский, «Полат қалай шынықты», 428).

При переводе простых предложений с исследуемыми конструкциями им в каракалпакском языке могут соответствовать также сложноподчинённые предложения. Ограничимся одним примером. Предложение «Правительство создаёт наилучшие условия для развития ребёнка до поступления его в школу» (Гарибьян, «Анатомия и физиология человека», 199) переведено «Хүкіметимиз баланың раўажлануўы ушын мектепке бараман дегенше ең жаксы жағдайлар туўғызды» (Гарибьян, «Адамның анатомиясы ҳәм физиологиясы, 224), где русской конструкции «создаёт до поступления в школу» соответствует придаточная часть каракалпакского сложноподчинённого предложения времени «мектепке бараман дегенше», соединённая главной частью союзным словом «дегенше» [9:24].

Временные сочетания «до+род.п.» с некоторыми глаголами, имеющими значение завершённого действия могут обозначать момент времени, предшествующий какому-нибудь событию, явлению, дате и др., которые выражены в родительном падеже. По наблюдению А.А.Шахматова, в указанные конструкции чаще всего включаются «глаголы прошедшего времени» [10:370]. Причём эта конструкция не служит точным указанием на время действия, так как оно «может осуществляться в любой момент относительно времени, вплоть до первой границы прямого времени, выраженного именем существительным в родительном падеже» [7:364].

В каракалпакском языке в качестве эквивалентов конструкций со значением «раньше» в зависимости от особен-

ностей зависимого компонента может выступать ряд способов.

Одним из более распространённых способов передачи рассматриваемого значения на каракалпакском языке следует считать синтаксическую конструкцию исходного падежа с послелогом «бурын», исторически представляющими собой «изолированную форму наречия, которое приобрело в определённых контекстах служебное значение послелога, выражающего совершение действия до данного момента», [1:500-501] «илгери», восходящий «к форме имени существительного в древнем направительном падеже (ил+гери)» [1:501] или «алд». В качестве зависимых компонентов таких конструкций обычно выступают названия событий (свадьба), явлений природы (дождь, гроза), реже количественно-именные сочетания (15 сентября, 19 век. 2013 год и др.).

Например: Было это до холеры (Горький, «Детство», 79). – Бул ўақыты тырыспайдан бурын болған еди (Горький, «Балалық шағ», 101).

Выше нами было отмечено, что сочетания «до+род.п.» обозначают одно предшествование без указания на точный момент действия. Это своеобразие их значения позволяет им выступать в качестве синтаксических синонимов с конструкциями «перед+твор.п.», «к+дат.п.» и «под+вин.п.», которые отличаются от исследуемых сочетаний присущими им оттенками значений. Как отмечал А.М.Пешковский, конструкция «до+род.п.» «не обозначает ни непосредственного примыкания к этому периоду, как предлог «к», ни близкого предшествования, как предлог «перед», а только одно предшествование», [8:317] а оборот «под+вин.п.» означает единицу времени, до непосредственного наступления которой обнаружилось действие» [10:382].

Когда подчинённым компонентом являются имена существительные – названия действий, процессов, значение предшествования на каракалпакском языке может быть передано отглагольно-именным оборотом отрицательной формы на –мас с фонетическими вариантами в исходном падеже с послелогом «бурын».

Например: – Абылайсаң басланбастан бурын бир илаж еткен мақул, – деди Маман (Қайыпбергенов, «Маман бий эпсанасы», 51). – Лучше до начала переполоха принять какие-нибудь меры, – сказал Маман (Каипбергенов, «Сказание о Маманбии»).

При переводе конструкции с указанными зависимыми компонентами могут быть использованы также деепричастные обороты отрицательной формы на –й.

Например: Жәмийла урыс питпей ерге шыкпайды (Султанов, «Ақ дәрйя», 93). – До окончания войны Джамиля замуж не выйдет (Султанов, «Белая река»).

Данные нашего исследования показали, что иногда вместо указанного каракалпакского эквивалента может выступать и причастный оборот на –а(р), –е(р) в родительном падеже с послелогом «алд» в местном падеже.

Например: Ребята здесь работали ещё до отъезда в лагерь (Бельская, «Природоведение», 9). – Балалар бул жерде лагерьге кетердиң алдында-ақ ислеген еди (Бельская, «Тәбият таныў», 10).

В данной форме выражения, в отличие от других средств передачи, часто подчёркивается, что действие главного компонента конструкции произойдет задолго до начала действия причастного оборота. По этой причине в таких сочетаниях зачастую содержатся дополнительные лексические средства – слова: ещё, уже, задолго и другие.

Интересно отметить, что значение «раньше чего-либо» конструкции «до+род.п.» сохраняется и тогда, когда она осложняется другой конструкцией «за+вин.п.». Если сочетания со значением момента времени, предшествующего какому-нибудь событию, явлению, дате и др., не служат точным указанием на время действия, то обороты «(за+вин.п.) + (до+род.п.)» уточняют количество времени, отделяющее какое-то действие, движение, явление и др. от настоящего (приехать за два дня до праздника).

Например: Китайский народ создал письменность за две тысячи лет до нашей эры (Коровкин, «История древнего мира», 85). – Қытай халқы жазыўды бизиң эрамыздан еки мың жыл бурын дәретти (Коровкин, «Әййемги дүнья тарихы», 89).

Как видно из примеров, исследуемые синтаксические конструкции могут быть переведены сложными оборотами из исходного и основного падежа количественно-именных сочетаний с послелогом «бурын».

При переводе рассматриваемых конструкций могут быть использованы также причастные обороты на –ган в местном падеже.

Например: Минут за 10 до 7 часов Сторешников был перед дверью Жюли (Чернышевский, «Что делать?»). – Саат жетиге 10 минуттай калганда, ол Жюлидиң есигиниң алдын-да болды (Чернышевский, «Не ислеў керек?»).

На основе изучения значения ограничения во времени в русском языке и их средств передачи приходим к следующим выводам:

- Значение временного предела в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:
 - дательного-направительного падеж с послелогом «шекем»: ждать до утра – азан+ға шекем күтиў.
 - причастный оборот на –ганша: сидеть до прихода друга – досты келгенше отырыў
 - причастный оборот на –ган в дательном падеже с послелогом «шекем»: читать до отъезда – кеткен+ге шекем оқыў.
 - придаточная часть сложноподчинённого предложения: написать до поступления – киремен дегенше жазып жиберіў.
- Значение ограничения во времени в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:
 - исходный падеж с послелогом «бурын», «илгери» и «алдын»: уехать до праздника – байрам+нан бурын кетиў
 - отглагольно-именной оборот на –мас в исходном падеже с послелогом «бурын», «илгери» и «алдын»: сказать до прихода брата – ағасы кел+мес+тен бурын айтыў.
 - деепричастный оборот отрицательной формы на +й: выехать до восхода солнца – күн шық+пай жүрип кетиў.

- причастный оборот на –а(р), –е(р) с послелогом «алд»: работать до отъезда – кетердиң алдын+да ислеў.

• Уточнённое значение предшествования в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:

- исходный падеж + основной падеж количественно-именных словосочетаний + послелог «бурын», «илгери» или «алдын»: приехать за два дня до праздника – байрам+нан еки күн бурын келиў.

- причастный оборот на –ган в местном падеже: уехать за час до собрания – жыйналысқа бир саат калган+да кетип калыў.

• Значение времени, совмещённого с пространственным в каракалпакском языке имеет нижеследующие эквивалентные средства:

- причастный оборот из дательного-направительного падежа и причастия со словообразовательным аффиксом –на (ше): говорить до института – институт+қа барған+ша сөйлеў.

- тот же оборот из дательного-направительного падежа, причастия тоже в том же падеже с послелогом «шекем»: молчать до станции – станция+ға барған+ға шекем үндемеў

- дательного-направительного падеж с послелогом «шекем»: смотреть до моста – көпир+ге шекем қараў.

• Значение срока чего-либо в каракалпакском языке имеет нижеследующее эквивалентное средство:

- дательного-направительного падеж: отложить до субботы – шемби+ге қалдырыў

• Значение измеряемого времени в каракалпакском языке имеет нижеследующее эквивалентное средство:

- дательного-направительного падеж с основным падежом количественно-именных сочетаний: до праздника осталось три дня – байрам+ға үш күн қалды.

Литература

1. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. –Москва: 1952.
2. Баскаков Н.А. Структура простого предложения в тюркских языках. –Фрунзе: 1956.
3. Боровков А.К. Учебник уйгурского языка. –Ленинград: 1952.
4. Гордлевский В.А. Руководство для изучения османского языка. –Москва: 1922.
5. Дмитриев Н.К. Строй турецкого языка. –Ленинград: 1939.
6. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. –Ташкент: 1948.
7. Ломтев Т.П. Очерки по историческому синтаксису русского языка. –Москва: 1956.
8. Пешковский А.И. Русский синтаксис в научном освещении. –Москва: 1956.
9. Умаров А. Сложноподчинённое предложение с придаточными времени в русском языке и способы передачи их на каракалпакском языке. –Ташкент: 1965.
10. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. –Москва: 1941.

Макола турли тиллар тизимларида чегараланган замон маъносини ифодаловчи тил воситаларини ўрганишга бағишланган. Унда бу маънонинг «до» предлоғли конструкциялар воситасида берилиши ва уларнинг каракалпак тилидаги эквивалентлари қараб чиқилган.

Статья посвящается изучению значения ограничения во времени в языках различных систем. В ней рассматриваются способы передачи значения ограничения во времени конструкциями с предлогом «до» и их эквиваленты в каракалпакском языке.

The article is devoted to the study of value of limitation in time in the languages of different systems. The methods of transmission of value of limitation in time are examined by the constructions with a preposition «to» and their equivalents in the Karakalpak language.

ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ю.М.Ибрагимов - профессор

У.Ю.Ибрагимова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: инновацион технология, феъл замонлари, тасниф, лексика, семантика, грамматика, стилистика, функционал алмашилиш, даражаланиш.

Ключевые слова: категории времени глагола, инновационные технологии, лексика, семантика, грамматика, стилистика, функциональные особенности.

Key words: innovation technique, category of verb tenses, lexicon, semantics, grammar, stylistics, functional peculiarities.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида, илгари сурилган концептуал фикр-ғоялар, илм-фан соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар таълим-тарбия жараёни мазмунини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда [1:2011; 2:2009]. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида жамият ҳаётига янгиликларнинг кириб келиши, инсон меҳнатининг такомиллаштириши, қулайликка эга бўлиши, янгиликлар боришига бўлган эҳтиёж таълим соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришларни содир этди. Шу маънода, замонавий таълимни ташкил этишга қўйилган муҳим талаблардан бири ориқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш,

улар томонидан эгалланган билим, қўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича интерфаол методлар асосида ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Педагогик технология ўз моҳиятига қўра, субъектив хусусиятга эга, яъни ҳар бир педагог таълим-тарбия жараёнини ўз имконияти, қасбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши мумкин. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар [4:2003; 2006]:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- талабалар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;

- талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- талабаларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиядан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас (3:2003). Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илғор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш лозим. Бугунги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония ва Россия давлатларида талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш (6) борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган, уни ҳар бир фан ёки унинг бир бўлими [4:1996] ёки ҳозирги адабий ўзбек тилидан «Феълнинг замон категорияси» мавзусини ўқитиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, дунёда бирор тил йўқки, унда фикр замонсиз ифодаланган бўлса, феълнинг замон категорияси объектив воқеликнинг тилда акс этишининг бир кўринишидир: замон ҳодисасининг, замон тушунчасининг тилдаги ифодасидир. Тилда бу тушунчани ифодаловчи воситалардан бири феълнинг замон кўрсаткичларидир [6:2006]. Бу воситаларнинг ўзаро муносабатлари турлича. Масалан, назарий жиҳатдан қараганимизда, замонни ифодаловчи лексик ва грамматик воситалар психик томондан бир-бири билан мос бўлиши шарт: *кеча* сўзи ўтган замон феъли, *ҳозир* – ҳозирги замон феъли, *эртага*-келаси замон феъли ва бошқалар (эртага саёҳатга жўнаймиз) билан қўлланади.

Чунки феъл замонларининг белгиланишида нутқ моменти асосдир, замонни аниқлашнинг бошланиш нуқтаси ана шу нутқ моментида. Ҳаракатнинг нутқ моменти билан муносабатига қараб, феълларнинг уч замони - грамматик замон – белгиланади: 1) ўтган замон (нутқ моментида аввал), келаси замон (нутқ моментида кейин), ҳозирги замон (нутқ моменти билан дуч келиш). Нутқ моментида муносабат объектив замон ҳодисаси асосида сўзловчи томонидан белгиланади.

«Феълнинг замон категорияси» мавзусини интерфаол методлар ёрдамида ўрганиш бўйича «Кейслар» тўпламини яратишда аниқ режа тузиб олиш мақсадга мувофиқдир. *Хусусан*, «кейслар» тўпламидан қуйидаги масалалар ўрин олиши лозим:

- феъл замонлари турини белгилашда унинг грамматик ва лексик воситаларининг доим бир-бирига «мос келавермаслигини» аниқлаш;
- феъл замонлар шаклининг кўчган-кўчмаганликни аниқлаш билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф этиш;
- грамматик адабиётларда *ёт*, *тур*, *утир* ва юр феълларининг ҳозирги замон маъноси учун қўлланиш хусусияти: а) бу тўрт феълнинг ҳозирги замон маъносини уларнинг ички хусусияти ва маълум шаклда келиши (...*иб*-шахс аффикси, *-а* ёки *-и* –шахс аффикси ва бошқалар) билан боғлиқлиги; б) буларнинг *-р* аффикси сифатдош тусида қўлланиши бугунги тилда ҳозирги замон маъносида ишлатилмаслиги (ёски ўзбек тилида шундай қўлланган) ва келаси замон феъли саналиши; в) бу феълларнинг ўзаро фарқланиши (қиёсланг: *айта+япман*, *айтаман-айтиб турибди*, *айтиб-йурибди*, *айтиб ўтирибди*, *айтиб ётибди*) ишнинг давом этишидаги вақтнинг узок-яқинлиги, кўп-озлиги, узун-қисқалиги, шунингдек, ҳар хил маънолар билан боғлиқлиги; г) бу феълларнинг кўп маънолик ва омонимлик хусусиятларга эга бўлиши;
- ҳозирги замон шаклидаги феълнинг ҳар уч замон маъносида ҳам кела олиш сабаблари;
- келаси замон феъл шакллари таснифида бир хилликнинг йўқлиги;

1. Икки қисмли тасниф: 1) аниқ келаси замон феъллари; 2) келаси замон гумон феъллари.

2. Уч қисмли: 1) келаси замон гумон феъли: борорман; 2) катъий келаси замон феъли: борарман; 3) катъий келаси

замон феъли: боражакман; 4) катъий тарихий келаси замон феъли ёзғумдир.

3. Тўрт қисмли тасниф: 1) аниқ келаси замон шакли (**-жак**); 2) келаси замон мақсад шакли (**-моқчи**); 3) келаси замон гумон шакли (**-р**); 4) келаси замон лозим шакли (**-ди+ган**).

4. Олти қисмли тасниф: 1) ҳозирги-келаси замон феъли (**-а, -й**); 2) келаси замон гумон феъли (**-р**); 3) катъий келаси замон феъли (**-жак**); 4) тарихий катъий келаси замон феъли (**-гум**); 5) келаси замон давом феъли (**-диган**); 6) келаси замон мақсад феъли (**-моқчи**).

5. Етти қисмли тасниф: юқоридаги олти турга **Ж.М.Жўраев «келаси замон ҳикоя феъли»** номи билан (**-р-тўлиқсиз феъл**) яна бир тур кўчирган ва бу шаклни тўлиқсиз феълнинг турига қараб, шундай ажратган: 1) келаси замон ешитилганлик феъли (борар экан), 2) келаси замон истак феъли (борадиган).

- модал маъноларни ҳисобга олиш - бунинг майл категорияси билан муносабати қай даражада бўлиш кераклиги;

- диалектал (**-жак**) ва тарихий шаклларнинг ҳам ҳозирги адабий ўзбек тил доирасида қаралиши, қай таризда бўлиши кераклиги каби муаммоларнинг ечимини топиш;


-**диган** шакли бир ишда давом, лозимликда давом, лозимлик шакли, одатдаги барқарор белгини кўрсатадиган шакл деб қаралишига муносабат билдириш;

-келаси замон феъл шакллариининг гумон, тахмин (**борар-балки борар-борса керак**), шунингдек, мўлжал, истак маъноларининг(**диган-моқчи**) шакллари орқали ифодаланишида услубий қўлланиши;

- феъл замон шаклларида кенг умумзамон маъносини ифодалай олиши;

- феъл замонлари шакллариининг даражаланиши ва б.

Кейслар тўплами таркибидаги ҳар бир метод муайян муаммони ҳал этишга қаратилиши керак. Масалан, **«Венн диаграммаси» стратегияси (методи)** талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади (5:1996). Стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.



Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:

Стратегия талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далиллар қиёсий таҳлил этилди. Ушбу стратегиядан

Ҳозирги адабий ўзбек тилидан «Феълнинг замон категорияси» мавзуси юзасидан якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- *гуруҳ талабалари тўрт гуруҳга бўлинади;*
- *ёзув тахтасига топириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;*
- *ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим,боб) юзасидан алоҳида топириқлар берилади;*
- *топириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;*
- *гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирилади..*

«Венн диаграммаси» стратегиясини қўллаш жараёнида гуруҳлар томонидан ташкил этилувчи фаолият моҳияти қуйидагичадир (фаолият моҳияти ҳозирги адабий ўзбек тили (морфология) бўлимининг 3-курсида ўқитиладиган «Феълнинг замон категорияси таснифи» мавзусини ўрганиш асосида очиб берилади)

Гуруҳлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топириқлар мазмуни
1-гуруҳ	1-диаграмма	Ҳаракатнинг нутқ моментга қараб феъл замонларини белгиланг.
	2-диаграмма	Ўтган замон феъл шакллариининг таснифини яратинг.

2- гурух	3-диаграмма	Утган замон феълнинг синтетик ва аналитик шакллари тахлил қилинг.
	1-диаграмма	Феълнинг ҳозирги замон ясовчи шакллари тавсф этинг.
	2-диаграмма	Феълнинг ҳозирги замон шакллари учала замон маъносида қўлланишини характерланг.
	3-диаграмма	Феълнинг ҳозирги-келаси замон ясовчи шакллари изохланг.
3- гурух	1-диаграмма	Феълнинг келаси замон шакллари маъноларини характерланг.
	2-диаграмма	Феъл замонларининг услубий-функционал хусусиятларини характерлаб беринг.
	3-диаграмма	Феъл замон шакллари даражаланишини тавсифлаб беринг.
4- гурух	1-диаграмма	Фелнинг замон шакллари модал маъно муносабатларини изохланг.
	2-диаграмма	Фелнинг вазифадош шакллари замон ясовчи шакллари билан ўзаро муносабатини характерланг.
	3-диаграмма	Фелнинг замон, нисбат ва майл шакллари ўзаро муносабатини изохланг ва диаграммага жойланг, жадвалини тузинг.

«Инерт» стратегияси

Стратегия ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича талабаларнинг муайян тушунчаларга эга эканликлари аниқлаш ва уларда матнга нисбатан тахлилий ёндашув кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади;
- ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;
- гуруҳлар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этадилар;
- баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;
- сўнгги ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга тарқатади;
- гуруҳ матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган матн фикрларининг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайдилар (ўхшашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади).
- гуруҳ аъзолари шахсий қараишларини ифода этадилар ва махсус белгилар соғини умумлаштирилади;
- гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади;
- лидерлар гуруҳ жамоасини гуруҳ натижалари билан таништирилади. таништириладилар билан tanishtiradilar.

Хуллас, педагогик технологияларнинг шакллари турличадир. Бироқ, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, улар талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2011.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор -маънавиятга, келажакка эътибор. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Azizxojayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: 2003, 2006.
4. Eshmuhammedov R. Tálimda innovatsion texnologiyalar. –Тошкент: 1996.
5. Rahmatullayev Sh. "Hozirgi adabiy ózbek tili" - Тошкент: "Universiter", 2006.
6. <http://www.gov.uz/> Nizomiy nomidagi TDPU sayti.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада она тилидан «Феъл замонлари категорияси» модулини ўқитиш жараёнида феъл замон шакллари лексик-семантик, грамматик ва услубий-функционал хусусиятлари ҳамда унинг-феълнинг нисбат, майл шакллари билан ўзаро муносабатлари ҳақида талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари баён этилди.

РЕЗЮМЕ

В работе излагаются мнения, обсуждения и предложения о способах применения инновационных технологий в совершенствовании знаний, умений и навыков студентов (учеников) о сторонах их взаимосвязи и различий по лексическим, семантическим, грамматическим и стилистическим, функциональным особенностям в узбекском языке.

SUMMARY

The article deals with the opinions, discussions and suggestions about the ways of using innovative technologies to improve the knowledge, habits and skills of students about the interaction and differences in the lexical, semantic, grammatical, stylistic and functional peculiarities in the Uzbek language.

ИККИ ТИЛЛИЛИК ШАРОИТИДА ЛЕКСЕМА ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ БИР УСУЛИ ҲАҚИДА

Ш.Жўраев - катта илмий ходим-изланувчи

Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: Зарафшон водийси, сўз ўзлаштириш, морфологик, морфологик усул, лексема, икки тиллилик, лексик система.

Ключевые слова: Зарафшанская долина, слово-изменения, морфологический метод, лексика, двуязычие, лексическая система.

Key words: Zarafshan valley, word-changing, morphological method, lexemes, bilingualism, lexicological system.

Маълумки, мамлакатимизда турли миллатларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлиб яшаётганликлари давлатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи муҳим омилдир. Бу эса диёримизда маданият, илм-фан таракқиёти, тиллараро муносабатларнинг янада ривожланишига замин яратмоқда. Қадимдан бир манзилда яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқлари бугунги кунгача деярли бир хил урф-одат соҳиблари бўлиб келишмоқдалар.

Ўзбек ва тожик халқлари узоқ асарлар давомида ёнма-ён яшаганликлари учун улар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг илдизлари ҳам қадимийдир. Уларнинг тарихи, тақдир, босиб ўтган йўли, турмуш тарзи, урф-одатлари диний эътиқоднинг монандлиги ҳаёт саҳифаларида акс этмоқда. Буларнинг барчаси икки халқ ўртасида асарлар давомида адабий алоқа ва таъсирнинг шаклланиши ва омехталаниши учун замин ҳозирлади. Бу борада тилшунос олимлардан, А.К.Боровков, Ҳ.Ғуломов, К.Юсупов, Д.Ишондаев, Н.Шаропов,

В.С.Расторгуева, М.Зокировлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Жумладан, Ҳ.Ғуломов таъкидлаганидек, “Ўзбек ва тожик тилларининг алоқаси ўзининг қадимий чуқур тарихига эга” [1, 3].

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий алоқалар қадимдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу ҳусусда М.Зокиров шундай ёзади: “...бир халқнинг ўзида икки ва ундан ортиқ турли миллий тилларнинг мавжуд бўлишида намоён бўлади” [2:8-9]. Бунда алоқалар ҳар икки халқ тили ривожига самарали таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Шу боисдан ҳам халқ шеваларида икки тилда аралаш ҳолда сўзлашув нутқининг вужудга келганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни лексема ҳосил қилиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Тилшуносликда лексема ҳосил қилиш йўллари ҳақида, А.Н.Кононов, А.Ҳожиёв, Ж.Мухторов, Э.Бегматов, Р.Дониёров, А.Ғ.Ғуломов, М.Абдиев, Ш.Мирзакулов каби таникли тилшунос олимлар тадқиқот ишлари олиб

боришган. Икки тиллиликка хос лексема ҳосил қилишга доир илмий кузатиш ва тадқиқотлар жуда кам.

Зарафшон водийсининг аҳолиси кўп қисми икки тилни яхши билганлиги боис, икки тилда ҳам бемалол гаплаша оладилар. Шу боисдан ҳам икки тил шеваларида кўшимчалар ёрдамида, лексема ҳосил қилиш ҳолатлари фаоллиги билан ажралиб туради.

Бу ҳақда акад. А.Ҳожиёв шундай деб ёзади: “Тожикча кўшма сўзлар таркибида” ўзбек тилига кириб келган ва “шу тилнинг ўзида сўз ясовчи воситалар-сўз ясовчи кўшимчаларга айланган” [3:80].

Тожик шеваларида ўзбекча аффикслар ёрдамида сўз ясалди, ўзбек тилида эса форс-тожикча кўшимчалар қўлланади. Шу хусусда, профессор М.Абдиев “Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалиш асослари” номли монографиясида шундай ёзади: “...дастлаб **-чи**, **-дош**, **-лик**, **-и**, сингари асли ўзбекча, сўнгра **-кар**, **(-гар, -кор)**, **-каш**, **-дор**, **-бон** каби асли форс-тожикча шахс номларини ясовчи суффикслар ҳам сўз ясада фаол иштирок этади [4:11].

Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тиллари халқларининг оғзаки нутқида икки тилда аралаш ҳолатда лексема ҳосил қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Худуд икки тил лексикаси бўйича олиб борган кузатишлар натижасида ўзлашмаларнинг кўпроқ кўшимчалар ёрдами билан ҳосил бўлишини кўрсатди: **-чи**, **-дош**, **-ли**, **-лик** кўшимчалари бу тилда сўз ясалишида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар иккала тилда **-чи** кўшимчаси шахс оти ясовчи кўшимча деб юритилади. Бу борада профессор М.Абдиев шундай ёзади: “**-чи** суффикси билан ясалган шахс номларининг талай бир қисмини ўзаги феълдан иборат бўлган сўзлар (кўпгина ҳаракат номлари) ташкил этади. Масалан: **темирчи**, **кўчирмачи**, **босмачи**, **кўчманчи**, **босқинчи** ва бошқалар” [4:47]. Лекин тожик тилида **и** (**й**) унлисини чўзиб талаффуз қилиш натижасида **-чи** кўшимчаси имловий ўзгариши билан **-чй** шаклида ишлатилади. Тожик тилида **-чи** (**-чй**) кўшимчасининг синонимик қаторлари **-гар**, **-манд**, **-дон** ва **-кор** кўшимчалари ҳисобланади. Мазкур кўшимчалар ўзбек адабий тилида **-чи** кўшимчаси билан синонимик мунособатга кириша олмайди. Аммо Зарафшон водийсида истиқомат қилувчи ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи аҳоли нутқида ҳам сўз ясовчилар сифатида маънодош қўлланади: **воҳимачи-воҳимагар**, **хиёнатчи-хиёнатгар**, **сиёсатчи-сиёсатманд** кабилар.

Форс-тожикча **-кор** кўшимчаси ёрдамида ясалган сўзлар икки тилда бир хил ишлатилишини кўришимиз мумкин. Масалан **фидокор**, **тадбиркор**, **шиддаткор**, **шифокор**, **гуноҳкор**, **ташаббускор**, **ҳаваскор** ва б. Ҳатто, икки тилнинг изоҳли луғатларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, **ҳаваскор** сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бирор нарсага қизиқадиган, уни яхши кўрадиган маънолари зикр этилган [5:462]. “Фарҳанги забони тожик”да эса **кор** сўзи, **иш** ва **иш** билан боғлиқ жараёнларни ҳосил қилиши шундай кўрсатилган: **кор** ۱. амалиёти табдил ёфгани як шакли энергия ба шакли дигар, амал. (Энергияни бошқа шаклга жорий этиш амалиёти). 2. он чи ки касе ба он машғул аст, шуғл, пеша; кори дастӣ (Кишининг бирор нима билан шуғулланиши, қўл билан ишлаши), а) амале, ки ба воситаи даст ва умуман бо истифодаи қувваи жисмонӣ ба жо оварда мешавад; (Қўл ёки жисмоний куч орқали амалга ошириладиган жараён), б) маҳсуле, ки аз дастӣ косибу пешаварон мебарояд; муқоб. кори корхонагӣ (Косиб қўлида бажариладиган иш, корхона иши). 3. он чи аз касе содир мешавад, рафтор, кирдор: ин кори ў кори хуб нест (Киши томонидан содир бўладиган воқеа). 4. хизмат, жои хизмат, вазифа; машғулият (Хизмат, хизмат жойи, вазифа, бирор нарса билан машғул бўлиш). 5. супориш ё масъалае, ки ижро ва ҳалли он ҳамчун яке аз шаклҳои санжиши дониши мактабиён ба ҳисоб гирифта мешавад: кори дипломӣ, кори санжишӣ, кори курсӣ (Топпириқ ё масаланинг бажарилишини ижро этиш ва унинг ҳал қилиш ҳолати билан боғлиқ ҳолда мактаб ўқувчиларининг билимини текшириш ҳисобга олиниши: **диплом иши**, **курс иши**)... [6:623].

Зарафшон водийси тожик тили шеваларида ўзбек тилига хос **-ли**, **-лик**, **-миш** сингари ясовчилар ёрдамида ясалган сўзларнинг, фаол ишлатилишини кўриш мумкин: **Латтия намли карда сараиба банд**, **таспаш мефурод**, **Чорвочиликба гуфта** а давлат кридет гирифтам, **Шумоя хуб кутмиш кардам** ва б.

Тожик тилидаги **-фуруш** (**сотмок**) ўзбек тилида сўз ясовчи кўшимча сифатида кенг қўлланади. Илмий манбалардан маълум бўлишича, мазкур кўшимча касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалишида муҳим аҳамият касб этади: ... **-фуруш** суффикси ёрдамида бирор аниқ предметни сотиш билан шуғулланувчи шахс маъноси реаллашади: **тандирфуруш**, **чармфуруш**, **дўппифуруш**, **мевафуруш**, **олмафуруш**, **қатиқфуруш** ва бошқалар [4:85]. Бу икки тил талаффуз меъёрлари ва “Имло қоидалари”га хосдир.

Зарафшон водийси аҳолиси нутқида хос лексемаларни ҳосил қилишда иштирок этадиган аффикслар хусусиятлари ҳақида олиб борилган кузатишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, худудга хос икки тиллилик шароитида фаол иштирок этувчи аффиксларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1.Ўзбекча нутқ таркибида қўлланидиган форс-тожикча кўшимчалар: **-дон** (*У бола жуда билимдон экан*), **-истон** (*Ватанимиз Ўзбекистон доимо тинч бўлсин*), **-зор** (*Бу ернинг ҳамма жойи гулзор экан*), **-дон** (*Хозир гулдонга гул қўйдим*), **-гар** (*Бу узугимни заргарга яساتган эдим*) ва бошқалар.

2.Тожикча нутқда ишлатиладиган ўзбекча кўшимчалар: **-ли** (*Ин кори самаралия ҳамма вақт карда истодан даркор*), **-миш** (*Вай себодӣ нагза а яшишук сарамии карда гирифт*), **-лик** (*Мардуми қишлоқи мо чорвочилик боғдорчилик кати умргузарони мекунад*), **-дош** (*Вай бачема синфдоишаш меишуд*) ва б.

3. Ҳар иккала тилга хос нутқ жараёнида бир хил ишлатиладиган кўшимчалар: **-хўр** (*Сиз сунтхўрнинг ўлими ҳақидаги Айнининг асарини ўқишингиз керак. Додому очем нафақахўр*), **-зор** (*Бу бозни ҳали гулзор қилишимиз керак. Баҳор омаду замино лозарошуд*), **-фуруш** (*Нонфурушлар нонни қиммат қилти. Нонфурушоба нон закас карда омадам*), **-чи** (*Эртанги тўйга икта чойхоначи айтдим. Касби бовоқалонамо махсичи буд, маннам ҳамина давом досем*) ва б.

Ўзлашма сўзларга она тилининг сўз ясовчи элементларини қўшиб янги-лексик бирликлар ҳосил қилиш ҳақида М.Абдиев шундай далиллар келтиради: “**-чи** (самоворчи-чойхоначи, машиначи-тикув машинасида тикувчи, чистачи-пахта тозалаш заводининг эгаси, саржинчи-тараша ўтинни саржинлаб сотувчи, каналчи-канал қазувчи) ва **-хон** (газетхон, журналхон), **-дош** (экспедициядош, командадош, фронтдош), **-боз** (гуруҳбоз, компаниябоз, пулемётбоз), **-фуруш** (машинафуруш, помидорфуруш), **-хўр** (пенсияхўр, винохўр) каби” [4:17-18]. Шунингдек, ишда яна бир қатор воситалар ёрдамида кўплаб янги шахс номлари ясалганлиги ишонарли мисоллар билан исботлаб берилган.

Зарафшон водийси икки тиллилик аҳолиси нутқида ҳам мазкур лексема ясовчилар бир хил шаклда ишлатилади: **носуфуриш**, (*Носуфуришларни бозорни нарги четиға кўчирди. Ҳамсодӣ носуфуришамо тўй кард*), **чиннифуруш** (*Қишлоғимизга ҳар куни чиннифурушлар келади. Дина а чиннифурушо косаю пиёла харидем*) ва б.

-шунос кўшимчаси тожик тили шеваларида **-шинос** шаклида ишлатилади: **забоншинос** (*Худораҳмати Раззоқ Ғаффоров забоншиноси зўр буд. Ин одам чизшинос будай*). Ушбу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, худуд тожик тили шеваларида **“шинос”** факат кўшимча сифатида ишлатилиши билан бирга алоҳида сўз шаклида ҳам ифодаланиши кузатилди: **шинос** (**таниш**), (*Вай одам назарамба шинос намисас. Меҳмони омадаги шиноси ҳамсоя будас*). Унинг синоними сифатида **таниш** лексемаси ҳам ишлатилади: **Танишат** *набоишад ҳаракат нақун* ва б. Ўзбек тилида эса факат **-шунос** сўз ясовчи кўшимча вазифасини бажаради, холос. Бу кўшимча, **шинохтан** (**танимок**) феълнинг бир шакли ҳисобланади. Масалан, **адабиётшунос**, **тилишунос**, **тарихишунос**, **руҳишунос** каби сўзлар, тожик адабий тилида икки ўзакдан иборат кўшма сўз деб қаралса-да, ўзбек тилида содда ясама сўз ҳисобланади.

Икки тилда **ҳам**— префикси (олд кўшимчаси) от ва олмошлардан янги маънодаги сўзлар ясади ва худуд шевасида **-дош** кўшимчаси билан синонимик қатор ҳосил қилади.

Тожик адабий тили ва шеваларида **ҳамсинф**, **ҳамватан**, **ҳамқишлоқ** сўзларнинг ўрнида ўзбек тили таъсирида **синфдош** (*Вай бачема синфдоишаш меишуд*), **қишлоқдош** (*Ун кас безона не қишлоқдоиш ман*), **ватандош**

(*Ватандошомоя* мўлиш *Россияба*) каби лексемалар қўлланади. Худди шу ҳолатни ўзбекча мулоқот жараёнида ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар, ҳамсинф шаклидаги лексемалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, икки тилда **-дош** қўшимчаси шахс оти ясовчи қўшимча сифатида қабул қилинган. Шунингдек, **“-дош”** қўшимчаси форс-тожик тилида алоҳида лексема сифатида қўлланиб: **катта, улкан; чидам бардош** каби маъноларни билдиради. Зарафшон худудидаги икки тиллилик шароитида **“бардоштан”** феълга хос лексема сифатида ишлатилади: *У шунча жабр-ситамларга бардош берди. Вай тамоми нозуқиҳои ҳаёт бардошт дода тавонист*. Аммо ҳар икки тилда кузатиладиган бошқа бир ҳолат ҳам мавжуд. **Катта** маъноси ўзбек тилида **“дош”**, тожик адабий тилида эса **“калон”** сўзи билан ифодаланади. Масалан: *Модарон дар деги калон сўмалак мепазанд. Дошқазонда момоларимиз сумалак қайнатадилар*). Шунингдек, Зарафшон водийси аҳолиси нутқида, **“дош”** қўшма лексема ва содда лексема синонимик қаторларини ҳам ҳосил қилиши кузатилади: **Бардошли//дош додан** (*Шу одамни отаси раҳмат, жуда бардошли инсон экан. Падарашба раҳмат, ҳаминқата бардош дош дод*), **дош бермади//дош надод** (*Касални оғриқда юраги дош бермади. Вай ин корба дош надод*), **бардошташ(кутариши)**, (*Чан пул гурадам бардошташба зан*), (*У шунча ғамни кўтарди, Аҳмад ҳаммасига бардош берди*) ва б.

Шунингдек, худуд шеваларида, **-дор, -каш, -соз, -хона, -паз, -боз, -сер, -парвар, -обод** каби қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган лексемалар ҳам икки тил луғат бойлигининг

фаол лексикаси таркибига киради. Улар ҳақида кейинги ишларимизда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан Бухоронинг Қорақўл туманигача бўлган катта бир ҳудудда икки халқ вакиллари Ватан равнақи йулида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. Кундалик мулоқот жараёнида ўзаро таъсир нафақат икки тил лексикасида, балки грамматикасида ҳам ўз аксини топганлиги ҳақида қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин [7].

Худудга хос икки тиллилик бўйича олиб борилган кузатишлар нафақат тожик тили шеваларида ўзбекча ўзлашмалар, балки ўзбек тили шевалари луғавий қатламининг бойишида форс-тожикча лексемалар ва уларни ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг ўрни бекарликни икки тилнинг бир-бирига таъсири чексизлигидан далолат беради.

Лексикология тилшуносликнинг тез ўзгарувчан сатҳидир. Бу ҳолат мазкур водий аҳолиси нутқида мураккаблик давридан кейин тўласича акс этганлигини кўриш мумкин. Шу боис ҳам икки тилда сўзлашувчилар нутқида хос паралел ўзлашмаларни ҳамда уларнинг алоқаларни тадқиқ этиш бугунги қийин тилшунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хуллас, Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тили икки тиллилик шароитида лексемаларни ҳосил қилишнинг ўзига хос системаси мавжуддир. Бу эса ўзлашма лексема ҳосил қилувчилар ёрдамида тил луғат бойлигидаги семантик ўзгаришларга сабаб бўлади ва тилдаги лексемалар миқдорини оширади ҳамда тиллараро алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Гулямов Х. Ўзбекско-таджикские языковые связи. –Тошкент: «Фан», 1983.
2. Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. –Тошкент: 2007.
3. Хожиев А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. –Тошкент: 2007.
4. Абдиев М. Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясаиш асослари. –Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2015.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. –Тошкент: 2008.
6. Фарҳанги забони тожики. жилди-1. –Душанбе: 2008.
7. Зарафшон водийси дала ёзуви материаллари, 2010-2016.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тилларида сўз ўзлаштирилиши ҳақида фикр юритилган. Сўз ўзлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида морфологик усулнинг ҳар икки тилга хос воқеаларини материаллар асосида таҳлил этилган. Таҳлилда бадий ва сўзлашув нутқи материалларидан фойдаланилган ҳамда улар тегишлича ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о слово-изменении в системе Узбекского и таджикского языков Зарафшанской долины. Как одна из особенностей слово-изменения – морфологический метод в обеих языках анализируется на основе материалов. При анализе материалов художественная и разговорная речь использована и раскрыта как следует.

SUMMARY

The article tells about the word-changing in the Uzbek and Tajik languages of Zarafshan valley. As one of the specific peculiarities of word-changing in the two languages the morphological method is analyzed in accordance with materials. They are deeply revealed by using materials of formal, literary and conversational styles.

БАДИЙ МАТНДА ИРОНИК МАЗМУН ИФОДАЛАНИШИДА ЎЗГА ГАПЛАРНИНГ РОЛИ

Ш.И.Сиддиқова - тадқиқотчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бадий матн, ироник мазмун, нутқ, кўчирма гап, ўзга гап, имплицит салбий ҳолат, имтиҳон олувчи, персонаж, шахс нутқи, ҳикоя, савол, кулги.

Ключевые слова: художественный текст, ироническое содержание, речь, чужая речь, имплицитное отрицательное состояние, экзаменатор, персонаж, индивидуальная речь, рассказ, вопрос, смех.

Key words: literary text, ironical content, speech, somebody's speech, implicit negative state, examiner, personage, individual speech, a story, question, laughter.

Бадий матнларда ироник мазмуннинг юзга чиқишида ўзга гапларнинг қатнашиши мулоқотчиларнинг ўзаро муносабатларига қараб белгиланади. Мулоқотчилардан бирининг нутқ вазиятида ўзини тутиши, ҳаракатлари, одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиши, фикрлаши, нутқий фаолияти бошқа иштирокчиларни қониктирмаслиги мумкин. Бунда унинг нутқида сингиб, қоришиб кетувчи ва унинг ахлоқини намойиш этувчи ички ҳолати ҳам сезилиб туради. Инсон вербал воситалар ёрдамида ўз фикрини ифода этар ёки ўзгалар фикрини қабул қилар экан, ана шу нутқий жараёнда тингловчининг ички ҳис-туйғуларини сезади. Бу ҳис-туйғулар унинг нутқида ошқора, баъзида яширин ҳолда амалга оширилади. Бу эса унинг бирор воқеа, ҳодиса, фикрга нисбатан хусусий муносабатини белгилайди. Бундай хусусий муносабатлардан бири ироник мазмун ифодалашдир. Воқеа, ҳодиса ёки у ҳақидаги фикрга бўлган хусусий муносабат баъзан очик айтилмай, яширин тарзда ифода этилади” [1]. Тилшуносликда нутқ жараёнида сўхбатдошнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, унга нисбатан билдириладиган имплицит салбий муносабатнинг ифодаланиши ирония сифатида талкин қилинади. Ёзувчи Тоҳир Маляковнинг “Биргина ишора кифоя” ҳикоясида Бўтакул исми йигитнинг имтиҳон топшириши

тасвирланган. Унинг саводсизлиги, фикрлаш доираси торлиги, шунингдек, у ва имтиҳон олувчи кишилар ўртасидаги муносабат ўзга гаплар воситасида очиб берилган. Имтиҳон жараёни акс эттирувчи парчани қисмларга ажратган ҳолда таҳлил қиламиз:

Матнда кўчирма гап сўроқ мазмунини ифодалайди:... Бўтакул ўша ишорадан кейин имтиҳон олувчи билан юзма-юз ўтирган эди. Унга қўйиладиган баҳо аввалдан маълум бўлса-да, имтиҳон олувчи ирими учун унга савол берди: “Ньютон қонуни ҳақида нималар биласиз?”

Кейинги ўринда муаллиф гапидан персонажнинг билим даражаси, илмий савияси пастлиги маълум бўлади. Бу ўринда кўчирма гап янги нутқий вазиятни юзга келтириш учун йўналтириш, замин яратиш вазифасини бажарган: Бўтакулга Ньютон деган одамнинг номи сал таниш туюлди-ю, аммо қариндошлари ичида бу одам ким бўлиши мумкинлигини эслолмади. Шунда имтиҳон олувчи унга тўртки бўлар, деган умидда “Олма-чи, олмани эсланг” деди.

Матнда сўхбатнинг кейинги босқичида Бўтакул нутқида тегишли бўлган кўчирма гап ўткир кулгини юзга келтирган: Бўтакул шунда эслади. “Россияга олма сотиш қонунини чиқарган масковлик хўжайин”, деб жавоб берди.

Кулги асосига курилган ушбу суҳбат жараёнининг кейинги босқичида асар муаллифи нутқида иккита кўчирма гап қўлланилган бўлиб, унинг биринчиси асар муаллифининг ўзига, иккинчиси асардаги персонаж – имтиҳон олувчига тегишли: Имтиҳон олувчи "физика фанига Россияга олма олиб бориб сотишининг нима дахли бор?" деб ўтирмай, ўзича "бу болага қолса Ўзбекистонда узилган олма Россияга бориб Ньютоннинг бошига тушгандир", деб қўя қолди.

Матнда қўлланилган кўчирма гаплар воситасида ўзаро мулоқот жараёнида иштирок этувчи персонажлар савияси, коммуникатив мақсадлари тобора ойдинлашиб бораверади. Имтиҳон олувчи томонидан қўлланилган кўчирма гаплар сўроқ мазмунинда бўлиб, улар нутқ қаратилган шахснинг билим даражасини аниқлаштиришга қаратилган: Иккинчи саволини осонроқ қилди. "Беруний киму Беллини ким?" деб сўради.

Бўтакул нутқини ифодалашда муаллиф иккита кўчирма гап келтиради. Дастлабки кўчирма гапда юқоридаги кўчирма гапда ифодаланган сўроқ гапнинг жавобини келтириш билан ўз муносабатини ифодаласа, кейинги кўчирма гапни қўллаш билан персонаж нутқини индивидуаллаштирмоқда: Бўтакул "Беруний - шарқ алломаси, Беллини Европа композитори" деса олам гулистон эди. Аммо бола тушмагур ўйлаб ўтирмай "булар иккови амакивачча" деб қўя қолди.

Кўчирма гаплар бадий матнда фақатгина дарак ёки сўроқ мазмунини ифодалаш билан чекланиб қолмайди. Улар персонажларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатини ҳам ифодалаш мумкин. Куйида қўлланилган кўчирма гапларда ана шу ҳолатни кўриш мумкин: Имтиҳон олувчи ичида "пешонамининг шўри!" деб қўйди, савол берган тилини чайнаб ташламоқчи эди, ҳали учинчи савол ҳам борлигини эслаб, бундан ўзини тийди-да: "қарра жадвални ёдлаб беринг", деб илтимос қилди. Бўтакул "уч кара тўққиз ўттиз саккиз" дегунича чидаб ўтирди-да, ваъда қилинган баҳони қўйиб енгил нафас олди ва қутилганига шукур қилди.

Юқорида келтирилган ҳикоя мавзуси ҳажвий асарлар учун хос. Маълумки, ҳажвий асарларда жамият ҳаётида учраб турадиган порахўрлик, тамағирлик, ичкиликбозлик каби салбий иллатлар ўтқир танқид остига олинади. Публицистик матнлардан фарқи равишда бадий адабиётда бу мавзу бадий тарзда, бадий тўқима образлар воситасида ёритиб берилади. Тохир Маликнинг "Навоий қўй бокқанми?" ҳажвий ҳикоясининг қаҳрамони бўлган Думбултой ҳам ана шундай образлардан бири. Аввало, бу ҳикоя мавзуси ҳам юқорида таҳлил қилинган ҳикоя мавзуси билан бир хил – имтиҳон жараёни ҳақида. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари ҳам ўзаро ўхшаш. Уларнинг характер-хусусиятлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Кейинги ҳикоядаги образнинг Думбултой деб номланиши китобхонда кулги уйғотиши табиий. Тилимизда думбул сўзи ҳали пишмаган, ғўра меваларга нисбатан ишлатилади. Ҳикояда у Думбултойнинг ким эканлигини тавсифлаб, характер-хусусиятлари қандай эканлигини маълум даражада аниқлаб туради.

Ҳикояда муаллиф Думбултой характери, одатларини тасвирлаш орқали ўқувчини воқеа билан чуқурроқ таништиришга тайёрлаб боради:

Думбултой учун уялиш, довдираш, бировнинг салобатидан чўчиш каби одатлар бегона эди. Шу учун туртиниб ўтирмай, имтиҳон хонасига дадил кирди. Даллол йигитнинг кўрсатмасига амал қилиб, тилига келган сўзларни қайтармай, асосий саволларга дадил-дадил "жавоб берди". Жавоб беришга навбат кутиб ўтирган болаларнинг хингир-хингир кулгиси эътиборга олинмаса унинг "жавоб"лари диққат билан тингланди. Айниқса, имтиҳон комиссияси аъзоси киприк қокмай диққат билан эшитди. Ниҳоят, навбат "беш" баҳони таъминлаш лозим бўлган қўшимча саволга келди.

Кейинги ўринда персонажларнинг ўзини ўзи таништириш вазифаси кўчирма гапли қўшма гаплар воситасида амалга оширилади:

Навоий ва Пушкин... - деди ўқитувчи Думбултойга ҳадиксираб қараб. Унинг бу қарашига "шоирларнинг номларини эшитганмикин?" деган кўркув бор эди. - Уларнинг ижодини қандай ўрганамиз?

Ништак қилиб ўрганиб ташлаймиз, - деди Думбултой жавобни ҳаяллатмай. - Шунақа зўр ўрганиб ташлаймизки,

уларнинг ўзлари ҳам қойил қолишади. "Кўриб қўй, Пушкин братан, ваабше бунақаси бўлмаган", дейди Новвойи.

Бу жавобни эшитган ўқитувчининг пешонасини алам билан силашдан ўзга чораси қолмади. "Энди балога қолишим аниқ", деган кўркувда комиссия аъзосига ўғринча қараб қўйди. Навоийдан бир байт, Пушкиндан икки сатр шеър айтиб беришни сўраш ортқича эди. Думбултой эса ҳали-бери гапни бас қиладиган эмасди.
Ключевые слова: совершенствование образовательного процесса по физическому воспитанию студенческой молодежи, физическая культура в зарубежных вузах, типовые рабочие программы, задачи физического воспитания.

Key words: perfection of educational process on physical education of the students, physical culture in foreign countries, typical working programs, tasks of physical education.

Введение. В новой редакции Закона Республики Узбекистан «О физической культуре и спорте» от 4 сентября 2015 года в высших образовательных учреждениях должны: проводиться практические занятия по физической культуре; мониторинг физической подготовленности; участвовать в спортивных соревнованиях студентов под эгидой «Универсиада» [1].

В современных условиях для решения задач совершенствования образовательного процесса по физическому вос-

питанию студенческой молодежи в вузе необходимо ознакомиться с зарубежными моделями обучения.

Цель исследования - это анализ учебных программ по дисциплине «Физическая культура» в зарубежных вузах.

Методы исследования. В исследовании использовались анализ, обобщение данных специальной литературы.

Задачи исследования:

1. Проанализировать типовые программы по дисциплине «Физическая культура» студентов вузов зарубежных стран.

2. Выявить общие черты типовых рабочих программ.

В.С. Шерин, Е.А. Шерина (2016) провели исследование опирающиеся на данные, полученные в результате проведения анкетирования иностранных студентов в течение 2015 года организованные на основе двух университетов г. Томска (Национального исследовательского Томского государственного университета и Томского политехнического университета). В исследовании приняли участие 114 студентов из 27 зарубежных стран (Таблицы 1,2).

Таблица 1

Группы стран по организации физической культуры в вузах

Страны, в которых проводятся обязательные занятия по физической культуре	Страны, в которых не проводятся обязательные занятия по физической культуре
Болгария, Боливия, Вьетнам, Гана, Египет, Индонезия, Китай, Колумбия, Монголия, Таиланд, Тайвань, Чехия, Эквадор, Россия и Южная Корея.	Австрия, Англия, Алжир, Германия, Джибути, Италия, Йемен, Камерун, Словения, США и Швейцария.

Таблица 2

Нормативные требования по организации занятий по «Физической культуре»

№ п/п	Страны	Количество часов в неделю отведённых на физическую культуру	Количество семестров в течение, которых организованы занятия по физической культуре
1.	Болгария	4	4
2.	Боливия	5	2-3
3.	Вьетнам	2-4 (в специально отведённый день)	8
4.	Гана	4	2
5.	Египет	2	1
6.	Индонезия	2 (в специально отведённый день)	1
7.	Китай	4	2
8.	Колумбия	3	2
9.	Монголия	4	1
10.	Таиланд	1	1
11.	Тайвань	4 (в специально отведённый день)	6
12.	Чехия	2	2
13.	Эквадор	4	4-6
14.	Южная Корея	2-3	1-4
15.	Россия	4	5

Физическое воспитание студентов вузов КНР

Целью физического воспитания студентов вузов Китая является формирование физической культуры личности.

Задачи физического воспитания:

- укрепление здоровья средствами физической культуры, формирование потребности в поддержании высокого уровня физической и умственной работоспособности, самоорганизации здорового образа жизни;
- освоение студентами теоретических знаний, спортивно-прикладных умений и навыков;
- физическое развитие студентов в ходе учебного процесса организованного на основе современных общенаучных и специальных технологий [2].

Студенты I и II курсов занимаются по 4 часа в неделю (2 часа основная дисциплина и 2 часа факультативная). Факультативные дисциплины обязательные для всех вузов: баскетбол, волейбол, футбол, ушу, ци-гун, художественная или спортивная гимнастика, легкая атлетика, теннис, пинг-понг, бадминтон, культуризм и плавание.

На старших курсах физическая культура является факультативным предметом с обязательным посещением в объеме 2-4 часа в неделю по усмотрению конкретных вузов. В программе по физическому воспитанию студентов выделяют три основных раздела: теоретический, практический, контрольный.

Теоретический раздел. Материалы раздела предусматривают овладение студентами системой научно-практических знаний, необходимых для понимания процессов функционирования физической культуры.

Практический раздел. Практический раздел программы реализуется на практических и учебно-тренировочных занятиях,

предусматривающих как обучение занимающихся новыми двигательными действиями так и воспитание физических качеств.

Контрольный раздел. Контрольные занятия обеспечивают оперативную, текущую и итоговую информацию об уровне освоения теоретических знаний и умений, о состоянии и динамике физического развития, физической подготовленности.

Физическое воспитание в университетах США

Любительский спорт, в том числе Олимпийские и Национальные команды в основном, состоят из студенческой молодежи. Команды профессиональных и полупрофессиональных лиг пополняются за счет студентов-спортсменов. Разработана и внедрена система отбора сильнейших студентов-спортсменов в команды профессиональных лиг. Одним из показателей спортивных успехов вуза является число студентов спортсменов, попавших в профессионалы. Известно, что спортсмены-профессионалы получают в 8-10 раз большую зарплату, чем молодой специалист.

Студенты-спортсмены получают спортивную стипендию – это оплата за обучение, книги, пользование лабораториями, экзамены, питание, проживание и проезд.

В большинстве вузов, где имеются педагогические факультеты или отделения по подготовке специалистов в области физического воспитания образованы кафедры физического воспитания. В некоторых вузах имеются два заведующих кафедрой (мужчина и женщина).

Кафедры физического воспитания и отделы массового спорта и рекреации обеспечивают широкое разнообразие видов программы и составляют так расписание, чтобы студенты могли заниматься в удобное для них время. Многие программы имеют практический интерес или готовят инструкторов по теннису, плаванию, обучают верховой езде, акробатике.

Системы факультативных и рекреационных занятий до предела усложнила организационную сторону учебного процесса на практике; студент заполняет бланки-заявление, в которых указывает последовательность своего выбора, вид спорта, преподавателя и желательное время занятий. Только с использованием компьютера, кафедра с составлением общего расписания и индивидуальное посещение студента.

Физическое воспитание в вузах Российской Федерации

Типовые программы вузов разработаны на основе государственных образовательных стандартов профессионального образования. На изучение дисциплины «Физическая культура» выделяется 408 часов. Обучение проходит на 5 семестрах по 4 часа в неделю (таблица 2).

Типовая программа включает следующие разделы:

1. Теоретический, формирующий знания и отношение к физической культуре. В программе предусмотрены самостоятельное изучение данного раздела. По окончании изучения учебного материала и теоретического раздела программы (4 семестр) студенты пишут реферат и защищают его.

2. Практический, состоящий из двух разделов: практических занятий и учебно-тренировочных.

3. Контрольный раздел. Студенты выполнившие учебную программу, в конце каждого семестра сдают зачет по физической культуре. Условием допуска к зачетным упражнениям является регулярность посещения практических и тренировочных занятий, то-есть у студентов не должно быть пропусков без уважительной причины. Если они имеются, их необходимо отработать.

На I и III курсах–зачет не дифференцированный, на II курсе–дифференцированный, с выставлением итоговой оценки, которая складывается из оценки за теорию, методику и практику.

Некоторые особенности системы физического воспитания в Азиатских странах

Во Вьетнаме физическое воспитание проводится на IV курсах по 1-2 часа в неделю. Студенты могут заниматься не только традиционными видами спорта, но и национальными ушу, национальными видами рукопашного боя. Во Вьетнаме студенты постоянно сдают определенные нормативы, «отрабатывают» за определенную плату пропущенные занятия. При этом не ограничен выбор специализаций студентами: плавание, легкая атлетика, настольный теннис, футбол, волейбол, акробатика и бадминтон.

Отличие тайванской системы физического воспитания в вузе–самостоятельное регулирование посещения занятий

студентами для того, чтобы до окончания вуза в общей сложности посетить их в течение двух лет, следовательно, обучающиеся не обязаны интенсивно отрабатывать пропущенные занятия, получив право сделать это в следующем семестре. Выбор специализаций включает не только традиционные виды спорта, но и йогу, современные танцы. Студенты тайваньских вузов обязаны принять участие в марафоне, организованном в университете, чтобы получить зачет [3].

Физическая культура и спорт в Корейском университетском кампусе

В каждом корейском кампусе есть спортивные залы для занятий спортом.

Литература

1. Закон Республики Узбекистан «О физической культуре и спорте» (Новая редакция) от 4 сентября 2015 года «Народное слово» 5 сентября 2015 - №174.
2. Горбатенко Т.Б. Анализ учебных программ по дисциплине «Физическая культура» в Китайской Народной Республике и Российской Федерации. //Теория и практика физической культуры. 2008. №8 – С. 76-80.
3. Шерин В.С., Шерина Е.А. Национальные педагогические традиции в преподавании физической культуры в зарубежных вузах: сопоставительный аспект. //Теория и практика физической культуры. 2016 - №2. – С. 88-90.

РЕЗЮМЕ

Макола хорижий олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний тарбия жараёни муаммоларини акс эттирувчи адабиётларни таҳлил қилиш ва уларни танқидий ўрганиш масалаларига бағишланган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы литературные источники по проблеме образовательного процесса по физическому воспитанию студентов в зарубежных странах.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of literary sources that shows the problems in the process of students' physical training at the higher education institutions in foreign countries.

ТАЛАБА-ҚИЗЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

О.Қосимова - ўқитувчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: ватан, ватанпарварлик, она юрт, миллий гурур, миллий туйғу, ватанга садоқат, юрт озодлиги, миллат шаъни, ор-номус, фидойилик, мардлик, жасорат, халқпарварлик.

Ключевые слова: родина, патриотизм, родной край, национальная гордость, национальное чувство, преданность родине, свобода родины, достоинство народа, честь, самоотверженность, мужество, храбрость, забота о народе.

Key words: Motherland, patriotism, native land, national pride, national sense, devotion to Motherland, freedom of homeland, value of the nation, honour, dedication, courage, bravery, care about people.

Ватанпарварлик – бу Ўзбекистонни ягона Ватан сифатида билиш ва севиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрлик, ватан тарихи ва миллий маданий меросга бўлган ҳурмат, уларни ўрганишга қизиқиш, истиклол ғояларига садоқат, Давлат рамзлари (Республика Конституцияси, байроғи, герби ва мадҳияси), қонунлари, шунингдек, мамлакат Президентига бўлган ҳурмат, мамлакат келажагига бўлган ишонч, Республика манфаатларини шахсий, гуруҳий, маҳаллий, ҳудудий манфаатлардан устунлигини англаш ва намоён қилиш саналади.

Ватанпарварлик – тарихий ҳодиса. У тарихан одамларнинг ҳаёт йўлининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳамда унинг бутун тарихи давомида унга йўлдош бўлиб келган, у билан бирга ўзагаради ва ривожланади.

Ватанпарварлик барча тарихий даврлар ва барча авлод учун хос хусусиятдир. Жамиятнинг ривожланиши, мавжуд шарт-шароитларнинг ўзгариши билан ватанпарварлик тушунчаси мазмун-моҳияти ҳам ўзига хос аҳамият касб этиб боради. Ватанпарварлик тушунчасининг моҳиятини англаш учун ҳар бир давлатнинг ташкил топиши ва мустақамланиши, унинг миллий мустақиллик учун кураши билан боғлиқ тарихий генезисидан хабардор бўлиш лозим. Ана шу сабабли ватанпарварлик минглаб йиллар давомида одамларда шаклланган юксак ҳиссиётдир.

Ватанпарварлик ва инсоннинг ватанпарварлик ҳиссиёти қатор ўзгариб боровчи омилларга боғлиқ.

Ижтимоий ҳодиса сифатида ватанпарварлиكنинг пайдо бўлиши, унинг ҳаётийлиги унинг ўз табиати ва келиб чиқишига қўра объектив асосга эга эканлиги билан изоҳланади. Инсон ҳар доим ўзининг туғилиб ўсган жойи, ўзининг тарихий Ватанига эга бўлади. У ҳар доим турли алоқадорликлар, шу жумладан, у яшаётган, ривожланган, келажагини давом эттириш имкониятига эга бўлган атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқдир. Айнан мазкур ва бошқа омиллар ватанпарварлик тушунчаси билан бевосита боғлиқдир.

Ватанпарварлик ижтимоий-ахлоқий қадрият сифатида инсониятнинг бирлиги, унинг тақдирининг умумийлиги, ҳар бир халқнинг миллий ўзига хосликларини сақлаб қолишини акс эттиради.

Ватанпарварлик тушунчасига доир кўплаб таърифлар мавжуд бўлиб, жамият ривожланишининг турли даврларида

файласуф, педагог, психолог олимлар томонидан унинг ўзига хос қирралари талкин этилган.

«Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради, Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир»[4:139].

Ўзбекистоннинг келажақда буюк давлатга айланиши Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов айтиб ўтганидек, тўртта маънавий-ахлоқий негизларга асосланади. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик [1:65].

Мустақил Ўзбекистонни буюк давлат даражасида тараққий этиши учун жамият маънавиятини ривожлантириш зарур. Зеро, маънавий камол топган инсонларгина буюк келажақ сари интиладилар. Маънавий етукликнинг энг муҳим белгиси эса ватанпарварликдир.

Ватанпарварлик шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истикболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат саналади.

«Ватанпарварлик – ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққийнинг имкониятлари, шон-шухрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилари ватанпарварлик туйғусининг даражаси билан боғлиқдир»[6:148].

Ватанпарварлик – тўғма, ирсий хусусият эмас, балки таълим-тарбия натижасида шаклланидиган маънавий-ахлоқий хислатдир. Талаба-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни инсонда турли фазилатларни шакллантириш, яъни ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, ҳуқуқий, фуқаролик, миллий ўзлигини англаш, софдиллик, инсонпарварлик, миллатпарварлик ва бошқаларнинг умумий мажмуида таркиб топади. Зеро, миллатнинг, халқнинг ўз эзгу ниятига етишида Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, фуқароларда, хусусан талаба-қизларда миллий мафкуравий қарашни тарбиялаш, айнан бутунги

истиклол шароити талаблари борасидаги таълимий-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам «миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишмининг пойдевори бўлмоғи керак» [2:23].

Бу муқаддас ғоялар миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ёш авлоднинг, ҳар бир фуқаронинг онгига сингдирилиши керак. Бугунги талаба-қизларда миллий ғурур, миллий туйғу каби тушунчаларни тарбиялаш, ватанпарварлик муаммоси билан боғлиқлигига ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, фарзандлари «яхши англамоғи ва унга ўз онги, ихтиёри, хоҳиши ва истаги билан муносабатда бўлмоғи дарқор».

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақиллиқни мустаҳкамлашнинг асосий негизларидан бири «Ватанпарварлик» деб кўрсатар экан, демек, бугун ватанпарварлик тарбияси давлат аҳамиятига молик муаммо сифатида қаралишини таъкидлайди.

Дарвоқе, жамиятимиз тубдан янгиланаётган бир шароитда ҳали ҳам айрим шахслар, ғурухлар томонидан иқтисодий ва сиёсий ислохотларга лоқайдлик билан қараш ҳоллари, яъни мансабпарастлик, қонунбузарлик, ватанфурушлик, шунингдек фарзандларимизни тарбиялаш жараёнидаги оксоқланиш ҳоллари ҳам содир бўлиб турибди. Шундай экан, фарзандлар тарбиясида ҳушёр бўлиш, уларни меҳнатсевар, ватанпарвар қилиб тарбиялашга эътиборни қаратиш муҳим педагогик зарурият сифатида ҳал этишни тақозо этмоқда. Кузатишларнинг кўрсатишича, бугунги кунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини қоникарли деб бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан маълумки, талаба-қизларни миллий қадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг кенг майдонда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ёш-авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жамиятнинг, ижтимоий муассасаларнинг таъсирида амалга ошадиган жараёндир. Фарзандларимизда ватанпарварлик, миллий ғурур, ифтихор қанчалик кучли ривожланса, улар камолоти ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ватанпарварлик узлуксиз, тизимли тарзда самарали ташкил этилувчи педагогик фаолият натижаси, шунингдек, ватанпарвар шахс фаолиятининг сифат кўрсаткичидир. Ватанпарварлик муайян тарихий-объектив шароитда гоҳ яширин, гоҳ ошқора (хусусан ватан озодлиги йўлида қурбон бўлиш, халқаро майдонда мамлакат шаъни, обрў-эътиборини кўтариш, юрт тараққиёти йўлида меҳнат қилиш ва ҳоказолар) тарзда намоён бўлади. Ватанпарварлик тушунчаси ҳам мантиқий, ҳам гнесологик нуқтаи назардан шахснинг ватан ҳамда унинг мавжудлигига нисбатан қадриятли ёндашуви мазмунини ўз ифодасини топади.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, «ватанпарвар шахс» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир:

Ватанпарвар шахс – ватан тупроғи ва давлат рамзларини муқаддас деб билувчи, уларни қадрловчи юрт озодлиги, мустақиллиги ҳамда миллат шаъни, ор-номуси учун курашувчи, ижтимоий жамият тараққиёти ва уюқларидан қувонувчи, муваффақиятсизликларидан қайғурувчи, ижтимоий бурч моҳиятини чуқур англовчи, мамлакат обрў-эътиборини ошириш йўлида меҳнат қилувчи, шунингдек, фидоийлик, садоқат, мардлик, жасорат, халқпарварлик, байналминаллик, ҳамда халқ ўтмишидан фахрланиш ва юрт истикболига ишонч туйғуларига эга бўлган субъектдир [2:32].

Ватанпарвар шахс қиёфасида қуйидаги сифатлар намоён бўлади:

1. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, унга садоқат.
2. Ўзи мансуб бўлган миллат ўтмиши, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларига содиқлик.
3. Ватан ва миллат тарихидан ғурурланиш.
4. Юртнинг моддий, шунингдек, миллат томонидан яратилган маънавий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш борасида ғамхўрлик қилиш.
5. Ватан раънақи ва миллат тараққиёти йўлида меҳнат қилиш.
6. Ватан озодлиги ва миллат эркига қилинаётган ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш.
7. Ватан ва миллат обрўи, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш.
8. Ватан раънақи ва миллат тараққиётига нисбатан ишончга эга бўлиш.

Ватанпарвар шахс ўз ватанини, унинг бойликлари ёки ватанининг қулай географик ҳудудда жойлашганлиги учун эмас, балки, ўзи ватанининг бир бўлаги эканлиги, ўзи мансуб бўлган миллатнинг шу Ватанда, шу маконда яшаши учун қадрлай олиши, унга нисбатан чуқур ҳурмат кўрсатиши зарур.

Ватанпарварликнинг ижтимоий-педагогик асослари қуйидагилардан иборатдир:

- ватанпарварлик туйғуси ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида шахснинг ватан ҳамда унинг мавжудлиги даражасига нисбатан ёндашувида акс этади;

- ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш шахснинг умумий камолоти, маънавий дунёқараши, тафаккури, шунингдек, ҳаётий тажрибаси негизда юзага келади;

- ватанпарварлик индивидуал хусусият бўлиб, у тарихий объектив шароитда намоён бўлувчи психологик-педагогик ҳодиса ҳисобланади;

- ватанпарварлик маънавий эҳтиёж сифатида узлуксиз, тизимли ҳамда самарали тарзда ташкил этилувчи педагогик-ижтимоий тарбия натижасида қарор топади;

- шахсда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш унмг ижтимоий жамият билан яқдиллигини таъминлашга хизмат қилиш билан бирга. Давлат ва халқ манфаатларига уйғун келади.

Талаба-қизларда ватанпарварлик эътиқодининг шаклланишига таъсир этадиган қадриятлар жумласига она тилини севиш, миллий ва диний байрамлар, маросимлар, оилапарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, юртимизнинг гўзал табиатидан илҳом ола билиш каби фазилатлар қиради.

Психологик муносабатларнинг барча ўзига хосликларини қамраб олган ҳолда, ватанпарварлик туйғуси ўзида когнитив (билишга оид), эмоционал ва ҳулқ-атвор кўникмаларини акс эттиради.

Когнитив (билишга оид) таркибий қисм талаба-қизларнинг ўз Ватани, туғилиб ўсган жойи тарихи ва маданияти; юртдошларининг қаҳрамонликлари; олимларнинг, маданият арбобларининг ютуқлари; замонавий шароитда эришилган натижалар ҳақидаги билимларидан ташкил топади. Шунинг учун биз ватанпарварлик туйғусини шакллантиришимиз учун талаба-қизларда ана шундай онгни қарор топтиришимиз зарур. Ватанпарвар шахс ўз Ватани ҳақида қуйидагиларни билиши шарт:

- ўз туғилиб ўсган жойини севиши;
- ўз Ватанининг тарихини билиши, унинг ўтмиши ва бугуни билан фахрланиши, унинг энг яхши анъана ва муваффақиятларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда фаол иштирок этиши;
- табиатни севиш ва ардоқлаш;
- ўз Ватанида яшаётган халқлар ўртасидаги дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- бошқа миллат вакиллариининг ҳаёт йўли билан қизиқиш ва уларни анъана, урф-одатларини ҳурмат қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш.

Эмоционал таркибий қисм Ватан тушунчасига хос барча нарсаларни идрок этиш билан боғлиқ ҳиссиётлар тизими билан тавсифланади ва акс эттириладиган объект билан боғлиқликда қуйидаги ҳис-туйғуларни ҳосил қилади:

- эстетик ҳис-туйғулар – Она ватан гўзалликларидан баҳраманд бўлиш;
- лирик ҳис-туйғулар – «қондошлик, яқинлик ҳисси» - ватанининг бир парчаси эканлигини ҳис этиш;
- гностик ҳис-туйғулар – Ватани ва ўзи туғилиб ўсган юрт тарихи, анъаналари ва маросимлари билан танишиш натижасида юзага келади;
- жамғарилган ҳис-туйғулар – мамлакатимиздаги табиат ва инсон ресурсларига доир тасаввурлар билан боғлиқликда намоён бўлади.

Ҳулқ-атворга доир таркибий қисм талаба-қизларда аниқ муносабатни пайдо қиладиган, чуқурлаштирадиган ва мустаҳкамлайдиган ватанпарварликка доир инновацион ҳулқ-атвор тажрибаларини талаб этади. Шунинг учун талаба-қизларда бизнинг, менинг сифатидаги Ватан туйғусини шакллантириш билан бир қаторда, уларда кейинги авлод учун энг яхши нарсаларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга доир фаолиятга фаол иштирок этишни таркиб топтириш зарур.

Ватанпарварликни шакллантиришда уч муҳим йўналиш ажратиб кўрсатилади:

1. Ёш авлод онгида ватанпарварлик ғоясини сингдириш. Бу ерда миллий мафкура ва таълим тизими муҳим роль ўйнайди.
2. Ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш. Ватанпарварлик ижтимоий сифат тарзида эмоционал ва рационал бирлик сифатида шахс онгида таркиб топади.
3. Ўз Ватани келажаги учун фуқаролик масъулиятини ривожлантириш.

Ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш С.Е.Матушкин ва Н.В.Ипполитовларнинг фикрича, ягона педагогик жараёнинг умумий қонуниятларини, бундан ташқари талаба-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи тамойиллар йиғиндисида асосланади [5,6].

Уларга қуйидагиларни қиритиш мумкин:

- ватанпарварлик тарбиясининг жамият ривожланиши ва унда юз бераётган воқеа-ҳодисалар билан шартланганлиги;
- ватанпарварлик тарбияси тизимида мактаб, оила, маҳалланинг ўзаро ҳаракат уйғунлиги;
- ватанпарварлик тарбияси мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллариининг ўзбек халқининг тарихий анъаналари билан шартланганлиги;

- ватанпарварлик тарбияси методларини танлаб олишнинг талаба-қизларнинг ёш ва индивидуал ўзига хосликларига боғлиқлиги;

- ўқув материалари ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар мазмунининг ўзаро алоқадорлиги ва диалектик бирлиги [5:17].

Тарбияга замонавий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур тамойиллар йиғиндисини бошқалари билан тўлдириш мумкин:

- интегратив ёндашув, биринчидан ватанпарварлик тарбиясини тарбиявий ишнинг бошқа йўналишлари ва таълим жараёни, ягона педагогик жараёнда тарбиялаш ва ривожлантириш билан интеграциялаш; иккинчидан, тарбияланувчиларни фаолиятнинг хилма-хил мазмуни ва шаклларига олиб кириш асосида ватанпарварлик тарбиясининг вазифаларини ҳал этиш;

- ватанпарварлик тарбиясининг мослашувчанлиги ва хилма-хиллиги;

- шахсни тарбиялашда ижобий хатти-ҳаракатларга таяниш тамойили.

Ватанпарварлик тарбиясига замонавий ёндашувлар Л.А.Дорошенко ва Г.В.Здеревлар томонидан таклиф этилган.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992, 78- б.
2. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-талаба-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т.: 2001. 136-б.
3. Дорошенко Л.А. Во имя будущего. – Тольятти: 2001. – С.36.
4. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996, 396-б.
5. Матушкин С.Е., Ипполитова Н.В. Сущность и особенности патриотического воспитания в современных условиях. - Курган: 2001. – С.17.
6. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Тошкент: 1998, 148-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада талаба-қизларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш масаласи илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Мақолада ватанпарварлик тушунчаси муҳим категория сифатида ўрганилиб, талаба-қизларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўналишлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи тамойиллар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье научно-теоретически анализируется формирование чувства родины у девушек студенток. В статье понятие родины изучается как важная категория, излагаются принципы, отражающие своеобразие воспитания в духе любви к родине и пути формирования чувства родины у девушек студенток.

SUMMARY

In the article the formation of the sense of homeland in student-girls has been analyzed from the scientific - theoretical points of view. The article deals with the concept of Motherland as the most important category, the author states the principles which reflect the peculiarities of the upbringing in the spirit of devotion to Motherland and the ways of formation of the sense of Motherland in students- girls.

ОҚЫТЎШЫЛАРДА ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ШЕБЕРЛИКТИҢ ҚӘЛИПЛЕСИҮИ

Б.Қурбанбаева – филология илимлериниң кандидаты

Эжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

К.Султанова – қарақалпақ тили ҳәм әдебияты пәни методисти

Нөкис районы ХБМХМТШБ

Таянч сўзлар: «махорат мактаби», метод, педагогик технология, педагогик махорат, интерактив методлар, янги инновацион технологиялар, кўрсатма материаллар, тренер, эркин фикрлаш.

Ключевые слова: «школа мастерства», метод, педагогическая технология, педагогическое мастерство, интерактивный метод, новая инновационная технология, материалы, тренер, свободное мышление.

Key words: school of skill, method, pedagogical technology, pedagogical skill, interactive methods, innovative technologies, visual aids, informational communicative technologies, trainer, critical thinking.

Бәршемизге белгили Ўзбекистанда келешеге уллы мәмлекетти дүзиўде жаңаша пикирлейтуғын терең билимге ийе кәнигелерди таярлаў дәўир талабы. Усы көзқарастан қарағанда оқытўшылар оқыўшыларға ҳәр түрли усыллар арқалы сабақ оқытўдың жолларын қарастырыўы керек. Себеби бүгинги күн оқыўшылары жаңалыққа жаны кумар. Бир қәлипке салынған оқытўшы усыллары менен билим беріў оларды қанаатландырмайды. Олар оқытўшыдан жаңа метод, жаңа усыл, жаңалықларды күтпекте. Оқытўшы тийисли оқыў материалларын қаншама дәрежеде өзлестирген менен, олардың логикалық жактан ойлаўы, пикирлеўи төмен болса, бәри бир оның билими сайыз болады. Солай екен, бүгинги күнде жаңаша билим беріў методлары, усыллары жәрдеминде оқыўшылардың ойлаў қәбилетин, дәретиўшилиқ уқыбын раўажландырыў – биз оқытўшылардың алдында турған үлкен ўазыйпа болып есапланады.

Белгили жазыўшы Л.Толстой: «Егер оқытўшы тек өз кәсибин сүйсе, ол жаксы оқытўшы болады, егер оқытўшы тек оқыўшыларды олардың әкеси я анасы киби сүйсе, ол барлық китапларды оқып шыққан, бирақ я кәсибин, я балаларды сүймейтуғын оқытўшыдан жаксырак. Егер оқытўшының өзінде кәсибине ҳәм оқыўшыларға болған мухаббаты тендей болса, ол ҳәр тәрәплеме жетилискен оқытўшы» деген еди. Мине, усындай ҳәр тәрәплеме жетилискен, саўатлы оқытўшыны бүгинги күни заманымыз талап етпекте. Усы талаптардан келип шығып Ўзбекстан республикасы Халық билимлендириў министрлиги, Жоқары

Улар талаба-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда инновацион педагогик технология моделларини ташкил этишга доир асосий ёндашувларни ажратиб кўрсатишади [3:36].

1. Шахсга йўналтирилган ёндашув.
2. Шахслараро муносабатларни инсонпарварлаштириш.
3. Фуқаролик ёндашуви.
4. Мажмуавий ёндашув.
5. Таълим жараёнига яхлит ёндашув.
6. Талаба-қизнинг фақат онги ва ҳулқ-атвориғагина эмас, унинг ҳис-туйғуларига таяниш.
7. Талаба-қизлар билан ишлашда фаолиятли ёндашув.
8. Мухитли ёндашув

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини фақатгина талаба-қизларнинг фикрларини ҳисобга олиш орқали объектив баҳолаш мумкин. Мазкур масала бўйича уларнинг муносабатлари, қарашлари таълим муассасаларида амал қилаётган тарбия методлари, талаба-қизларда кадриятли муносабатнинг шаклланганлик даражаси, ўз Ватани ва халқига содиқликни объектив баҳолашга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992, 78- б.
2. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-талаба-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т.: 2001. 136-б.
3. Дорошенко Л.А. Во имя будущего. – Тольятти: 2001. – С.36.
4. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996, 396-б.
5. Матушкин С.Е., Ипполитова Н.В. Сущность и особенности патриотического воспитания в современных условиях. - Курган: 2001. – С.17.
6. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Тошкент: 1998, 148-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада талаба-қизларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш масаласи илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Мақолада ватанпарварлик тушунчаси муҳим категория сифатида ўрганилиб, талаба-қизларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўналишлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи тамойиллар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье научно-теоретически анализируется формирование чувства родины у девушек студенток. В статье понятие родины изучается как важная категория, излагаются принципы, отражающие своеобразие воспитания в духе любви к родине и пути формирования чувства родины у девушек студенток.

SUMMARY

In the article the formation of the sense of homeland in student-girls has been analyzed from the scientific - theoretical points of view. The article deals with the concept of Motherland as the most important category, the author states the principles which reflect the peculiarities of the upbringing in the spirit of devotion to Motherland and the ways of formation of the sense of Motherland in students- girls.

ОҚЫТЎШЫЛАРДА ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ШЕБЕРЛИКТИҢ ҚӘЛИПЛЕСИҮИ

Б.Қурбанбаева – филология илимлериниң кандидаты

Эжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

К.Султанова – қарақалпақ тили ҳәм әдебияты пәни методисти

Нөкис районы ХБМХМТШБ

Таянч сўзлар: «махорат мактаби», метод, педагогик технология, педагогик махорат, интерактив методлар, янги инновацион технологиялар, кўрсатма материаллар, тренер, эркин фикрлаш.

Ключевые слова: «школа мастерства», метод, педагогическая технология, педагогическое мастерство, интерактивный метод, новая инновационная технология, материалы, тренер, свободное мышление.

Key words: school of skill, method, pedagogical technology, pedagogical skill, interactive methods, innovative technologies, visual aids, informational communicative technologies, trainer, critical thinking.

хәм орта арнаўлы билимлендириў министрлигиниң 2015 – жылы 23 – сентябрьдеги Халық тәлимінде хызмет көрсетип атырған «Шеберлик мектеплери» бағдарында жоқары оқыў орындары менен биргеликте алып барылып атырған бирге ислесиў жумысларын жетилистириў ҳаққындағы қосымша буйрығына тийкарлана отырып барлық аймақларда «Шеберлик мектеплери» шөлкемлестирілген еди. Бундағы мақсет - тәлим - тәрбия процесинде педагогикалық технология ҳәм хабар коммуникация технологиясынан пайдалана отырып сабақ өтиўши тренер оқытўшылардың тәжирийбеси ҳәм шеберлигин асырыў, соның менен бирге, жас оқытўшы кәнигелердиң тәжирийбесин арттырыў, өз – ара пикир алмасыў, алдыңғы тәжирийбелерди үйрениў, ен жайдырыў еди. Атап айтқанда, педагогикалық шеберлик – оқытўшының сабақ беріў шеберлиги, тәрбиялаў шеберлиги, оқыў - тәрбия процесинде гуманитарлық сезимди аңлататуғын жеке сыпатлары, оқыўшылардың билимин әдил баҳалаў ҳәм бақлаў шеберлиги деп белгиленген.

Мине усы атап өтилген талаптар тийкарында оқытўшының кәсиплик шеберлиги ҳәм эрудициясы яғнай оқыўшыларды еркин пикирлеўге ҳәм жаңа билимлер алыўға үйретиў шеберлиги, оқыў әдебиятларының түрлерин ҳәм формаларын билиўи, жаңа педагогикалық ҳәм хабар технологияларын ийелеген болыўы, интернеттиң глобал тармақлары менен ислесе алыў көнликпелерин ийелеген болыўы, пәнлер арасын байланыстырыў шеберлиги, (рито-

рика ҳам шешенлик) сулуў, көркем ҳам шебер сөйлеў мәдениетине ийе болуўы болып есапланады.

Ал тәрбиялаў шеберлиги – оқытыў хәм тәрбия процесиниң байланыслылығы, раўажланған кәмил инсанды тәрбиялаўға, оның ўатанды сүйиўшилиқ сезимин раўажландырыўға, ўатан алдындағы ўазыйпасын сезиўге, оқыўшылар ортасында тәрбиялық жумысларды шөлкемлестириўдиң әмелий көнликпелерине тийкарланады.

Оқыў тәрбия процесинде гуманитарлық сезимди белгилейтуғын жеке сыпатларға төмендегилер киреди: талапшанлық, ҳақықатлық, хадаллық, меҳрийбанлық. Оқыўшылардың билимин әдил баҳалаў хәм бақлаў.

Демек, бүгинги күнниң талабы бойынша 45 минутлық сабақ көркем - өнер шығармасы дәрежесине көтерилиў ушын сабаққа пукта таярлық, интерактив метод хәм усыллар, жаңа инновациялық технологиялар, көргизбелли материаллар, хабар коммуникация технологиялары – муғаллимниң ең зәрури жәрдемшиси болуўы тийис.

Сабақта инновациялық метод хәм усылларды қолланыў оқыўшыларды еркин пикирлеўге, өз үстинде ислеўге, излениўге үйретеди. Сабақ даўамында оқыўшы белсенди қатнасыўшы, ал оқытыўшы болса басқарыўшы ўазыйпасын атқарады. Бул арқалы оқытыўшы менен оқыўшы арасындағы бирге ислеў искерлиги пайда болып, оқыўшыда дәретиўшилиқ көнликпелерин қәлиплестиреди.

РЕЗЮМЕ

Мақолада янги ўқитиш методлари, усуллари ёрдамида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини, ижодкорлик салоҳиятини ривожлантириш ҳозирги кун ўқитувчиси олдида турган катта вазифалардан бири эканлиги қайд қилинган. Шу мақсадда барча ҳудудларда «Маҳорат мактаблари» ташкил этилиб, унинг бош вазифаси-таълим-тарбия жараёнида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтувчи педагоглар маҳоратини ошириш, шу билан бирга ёш ўқитувчилар тажрибаларини орттириш, ўзаро муҳокама қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни ташвиқ қилиш асосий вазифа қилиб белгиланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается одному из актуальных вопросов, стоящему перед преподавателями-развитию мышления и творческих способностей учащихся с помощью инновационных методов и приёмов. Авторы статьи говорят о необходимости организации «Школы мастерства», основной целью которой является совершенствование мастерства и знаний опытных преподавателей и молодых специалистов применяющих в учебно-воспитательном процессе педагогические и информационные технологии, обмен мнениями и обучению передовому опыту.

SUMMARY

The article is devoted to one of the actual issues for teachers to development of critical thinking and creative abilities of students with the help of innovative methods and techniques. The authors of the article speak about the necessity of organization «School of skill». The main aim of this school is the improvement of skill and knowledge of experienced teachers and young specialists by using the pedagogical and informational technologies in educational-upbringing process, exchange of opinions and teaching the innovative experience.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БОШЛАНҒИШ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

З.Қурбамуратова - катта ўқитувчи
ҚРХТХҚТва УМОИ

Таянч сўзлар: мактабга психологик тайёргарлик, бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёркинлиги, хотирасининг қучлилиги, тафаккурининг яққоллиги.

Ключевые слова: психологическая подготовка к школе, прозрачность определённости и интерес приёма, открытость, душевность в выражении собственного мнения, доброжелательность и вера, ясность мышления и мнения, сила памяти.

Key words: psychological preparation for school, transparency and certainty of receiving interest, openness and sincerity in expressing one's own opinion, kindness and faith, clarity of thought and opinion, power of memory.

Комилликка эришишнинг жисмоний, ахлоқий таркиблари, аввалам бор, бошланғич синф ўқувчилари томонидан эгалланади. Бошланғич синф ўқувчилари 6-10 ёшли болалардан иборат бўлиб, у мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактабда ўқувчиларга қўйилаётган ҳар хил талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади.

Таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларни педагогик қуллаб-қувватлаш вазифалари турличадир. Масалан, бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига қиришишга тайёргарлик даражалари аниқланади. Бунинг учун ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали, уларнинг мактабга мослашиши таъминланади, ўқув фаолиятига бўлган қизиқишлари орттирилади, ўқув-билиш майллари ривожлантирилади, билим олиш истаклари ва қўникмалари қўллаб-қувватланади. Бунинг натижасида уларнинг ижодий лаёқатлари ривожланади [1:25].

Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёркинлиги, хотирасининг қучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари, роли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва қуриш - яшаш машғулотида, лой ва пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини

идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш ва тузишда қўринади. Бола ўз диққатини муайян объектга йўналтириш, тўплаш, тақсимлаш бўйича маълум даражада қўникмага эга бўлиб, ўз диққатини бошқариш ва керакли пайтда тўплашга интилади. Унинг хотираси қизиқарли, ажойиб - ғаройиб, кишини таажжубга соладиган маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш - иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганини билдиради. У шеър, ҳикоя ва эртақларни эсда қолдириш учун кўп такрорлаши, ёд олишнинг энг қулай йўл ва усулларида фойдаланиши таълим жараёнида унга жуда қўл келади. Биринчи синф ўқувчиси кўпинча яққол образли хотирага суяниб, билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз - мантиқ хотирасини такозо этади. Сўз - мантиқ хотирасининг мавжудлиги маъносини тушуниб, эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлигининг қучайишига кенг имконият яратади.

Олти ёшли боланинг психик тайёрлиги тўғрисида гапирилганда, кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро мантиқий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ўсиш даражасини назарда тутамиз.

Бола мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив томони ҳам мавжуддир. Унинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга қиришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий

боғлиқдир. Болада шу даврга келиб, ўқиш, билим олиш ҳақида тўғри тасаввур шаклланади. У мактаб жамоаси аъзоларининг масъулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади. Лекин болаларнинг ҳаммаси бир хил эмаслиги сабабли улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи бола мактабга бутун вужуд билан талпинади, ўқишга қанча вақт қолганлигини узлуксиз санайди, ўқув ашёларини олдинроқ тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Шу эҳтиёжлар ўз портфелига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар куни мактабга катнаш туйғуси ётади, холос.

Биринчи синф ўқувчисига ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажонидил бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятида эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради.

Г.А.Цукерманнинг таъкидлашича, ўқув мунозараси-муайян муаммонинг ечимини топиш учун муҳокама қилинишидир. Ўқувчилар ўқув мунозараси жараёнида у ёки бу масалани муҳокама қилишда фикрларни ўзаро мувофиқлаштирадilar ва ягона ҳукм чиқаришга эришадilar[2:288].

Масалан, айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш,

унинг мазмунига ҳам қизиқишни вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокнинг салбий хусусияти объектларни бир-биридан фарқлашдаги заифлиқдир. Улар кўпинча ўрганиладиган материални ноаниқ, ҳатто, нотўғри идрок қиладilar, бунинг оқибатида айнан ўхшаш ҳарфлар, сўзлар, нарсалар тасвири, шакли, фазовий жойлашувининг фарқини тўла тасаввур қила олмайдилар. Масалан, «к» билан «қ» ҳарфларини, «ўқиш» билан «ўқиш» сўзларини «айлана» билан «доира» шакллари, «кесма» билан «тўғри чизик» аломатларини бир-биридан фарқламайдilar. Баъзан эса улар катталарнинг идрок кўлами қамраб олмайдиган нарсаларни пайкайдilar.

Болаларда тартибли, мақсадга мувофиқ серкирра тахлил қилиш фаолияти заифлиги учун улар таълим жараёнида кўпинча хатога йўл қўядilar. Одатда зарур ва муҳим аломатлар бир ёқда қолиб, тасодифий белгиларга эътибор берадilar.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокнинг яна бир хусусияти хилма - хил, ёрқин бўёқлар, яққол тасвир ва ҳис-туйғуси бойлигидир. Шунинг учун улар аввало ёрқин ҳис-туйғу уйғотадиган нарса ва ҳодисаларни идрок қиладilar. Ана шу сабабли рамзий ва шартли белгилар, чизмалар, геометрик шаклга кўра, жонли «жозибатор» тасвирлар, ёрқин ҳис-туйғу тарзида акс этади.

Маълумки, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳар хил бўлиб, бир ўқувчига муваффақият билан қўлланган тарбиявий таъсир воситаси бошқа бирига қўлланилганда қўтилган натижани бермаслиги мумкин. Тарбиявий тадбирлар ўқувчиларга яқкама-яқка ёндашиб, амалга оширилса, яхшироқ самарага эришилиши, шубҳасиздир.

Адабиётлар

1. Сафарова Р. Истикболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. -Т.: «Фан», 2009, 248-б.
2. Цукерман Г.А., Мастеров Б.М. Психология саморазвития. -Москва: Интерпракс, 1995, 288-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳақида ва уларнинг индивидуал ривожланишига эътибор қаратилиши назарда тутилади. Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о психологических особенностях младших школьников и их индивидуальном развитии. Одной из особенностей данного возрастного этапа является наличие определенных потребностей. Выявление сути этих потребностей и, вместе с тем, обретение школьниками знаний, умений, навыков и восприятие окружающей действительности является целью настоящей статьи.

SUMMARY

The article deals with the psychological characteristics of younger students and their individual development. One of the features of this age stage is the presence of specific needs. Revealing the essence of these requirements and, at the same time, the acquisition of knowledge, skills and perception of reality by students is the purpose of writing this article.

ИЛМИЙ - ПЕДАГОГИК ВА ЎҚУВ – МЕТОДИК НАШРЛАР ОРҚАЛИ ИНФОРМАЦИОН ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ МЕХАНИЗМИ

С.Ю.Махмудов – педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим изланувчи

М.А.Умаралиева - мустақил изланувчи

Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: информациявий таҳдидлар, илмий-педагогик, ўқув- методик, нашр, муаммо, педагогик жамоатчилик, ахборот, жараён.

Ключевые слова: информационные угрозы, научно-педагогический, учебно-методический, издание, проблема, педагогическая общественность, информация, процесс.

Key words: information threats, scientific-pedagogical, educational-methodical, publication, issue, pedagogical community, information, process.

Республикаларимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, салоҳиятли, баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ёшлар билан боғлиқ турли давлат дастурларининг қабул қилиниши, ёшларнинг моддий, маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганидан далолат беради. Бугунги глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун турли усул ва воситалар ёрдамида кескин олиб борилаётган курашлар давом этмоқда. Мазкур ҳаракатлар бевосита ёшларга йўналтирилган бўлиб, уларда миллий анъана ва қадриятларимизга, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатга нисбатан салбий муносабатларни шакллантиришга қаратилгандир. Эндиликда демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти ҳақидаги кон-

цепцияларни ахборот соҳасидаги ислохотларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу боис, истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик ўз фикр - гояларини, юртимиз ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳамда позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш масаласи давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Бунда таълим тизимида хизмат қилаётган ходимлар учун ўқув-методик, илмий-педагогик нашрларнинг муносиб улуши борлигини таъкидлаш жоиз. Илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб, таълим тараққиётининг кўзгуси, педагог-ўқитувчилар онги, дунёқараши ҳамда сиёсий савиясини шакллантирувчи асосий омилга айланмоқда.

Нашрларнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, уларнинг илмий-педагогик жамоатчилик орасида самарасиз, салбий фаолият олиб бориши мумкинлигини ҳам унутмас-

лик лозим. Аввало, ОАВ фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда берилётган материаллар мазмунига жиддий эътибор қаратиш зарур. Ёшларда бузгунчи, деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитет тўла шаклланишини, уларда эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсак, бу ўта жиддий глобал масала экани аён бўлади.

Мазкур муаммоларга ечим топишда баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун “Оила-махалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш ва амалиётга изчил татбиқ этиш зарур ҳисобланади. Зеро, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг қандай кўрсатувга кизиқаётгани, қайси интернет сайтига мурожаат қилаётгани ҳақида маълумотга эга бўлиши ва уни тўғри йўналтира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ўз навбатида, мактаб ёшидан бошлаб медиа маконда ахборот олиш ва ундан фойдалана билиш маданиятини ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш, амалиётга тезкорлик билан жорий этишни даврнинг ўзига мос эҳтиёж.

Қолаверса, ахборот хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг сиёсий - ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларга ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириб бориш лозим. Ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажратиш оладиган мезонларни ишлаб чиқиши, ахборотнинг профессионал фаолияти ва шахсий ҳаёти учун кадр-кимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши керак.

Ёш илмий - педагогик ходимларнинг маънавий - ахлоқий, педагогик ва психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи назари ҳамда эътиқодини мустаҳкамлашда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг ўрни ва тезкорлигини таъминлашга эътибор қаратиш зарур. Шу боис, бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жамоатчилик томонидан мукамал ўзлаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий ва содда, ҳамда мақбул йўллари ўзлаштириш малакаларига эга бўлиш талаб этилади.

Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар мониторинги орқали информативий таҳдидларга қарши курашиш механизми қуйидаги функцияларни бажариши лозим:

Ижтимоий. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрларда информативий таҳдидларнинг олдини олишни таъминлаш моҳиятини аниқлаштириш, яъни илмий-педагогик жамоатчиликда информативий таҳдидларни, унинг салбий оқибатларини кўра билиш малакасини, ахборотларга нисбатан танқидий қарашларни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Маънавий-ахлоқий. Ўқитувчиларда илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информативий таҳдидларга қарши курашиш бўйича иммунитетни, ушбу масала бўйича ижтимоий сифатларни, жамият томонидан белгиланган қадриятлар ва меъёрларни, танқидий тафаккурни, маънавий ҳимоя механизми, ижтимоий-психологик соғломлик каби ижобий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Маданий. илмий-педагогик жамоатчилик орасида ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т.: 1997.
2. Пахрутдинов Ш. “Таҳдид” тушунчаси: назария ва амалиёт. –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998.
3. Исламов И.Н. Маънавиятга таҳдид-кечажакка таҳдид. Глобаллашув, модернизация ва толерантлик: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар. Конференция материаллари. – Т.: 2009.

РЕЗЮМЕ

Мақолада илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информативий таҳдидларга қарши курашиш муаммолари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, муаллифлар нашрлар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш илмий-педагогик жамоатчилиكنинг маънавий-ахлоқий тарбияси, маданияти ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар бериб ўтган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются проблемы противодействия информационным угрозам посредством научно-педагогических и учебно-методических изданий. Авторами предложены рекомендации по организации системной издательской деятельности, направленной на предотвращение факторов, оказывающих отрицательное воздействие на нравственное воспитание, культуру и духовность педагогической общественности.

SUMMARY

The article deals with the problems of restoring information-related threats by means of scientific-pedagogical and educational publications. The authors offer recommendations on the organization of the system of publishing activities aimed at the prevention of the factors having a negative impact on moral education, culture and spirituality of the teaching community.

БЎЛҒУСИ МЕНЕДЖЕРЛАР БОШҚАРУВ КЎНИКМАЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

А.М.Махмудов – ҳалқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Ас.Т.Ниязов – доцент

Аб.Т.Ниязов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: касбий шаклланиш, менежернинг бошқарув кўникмалари, касбий компетентлик, шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари.

Ключевые слова: профессиональное формирование, управленческие навыки менеджера, профессиональная компетенция, важность социально-психологического состояния индивида.

Key words: professional formation, management skills of managers, professional competence, importance of socio-psychological state of the individual.

Бошқарув жараёнининг самарадорлиги раҳбарларда ташкилий бошқарув кўникмаларининг шаклланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги кун менежментда бўлғуси менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ўрганишга, айниқса бошқарув кўникмаларининг шаклланишига таъсир этадиган психологик омиллар масаласига қизиқиш кучайган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, раҳбардаги муваффақиятли бошқариш масаласи куйидаги ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ: бошқарув фаолиятининг субъекти ҳисобланган менежер шахсий-индивидуал фазилатлари (бошқарув ва шахсий касбий потенциали, касбий жиҳатдан муҳим бўлган хусусиятлари), конкрет бошқарув структурасидаги фазилатлари (фаолиятнинг конкрет ҳолатлари тўплами).

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, касбий ва шахсий фазилатларнинг мутаносиблиги менежерда ўз бошқарув компетентлигига ишоч туйғусини шакллантиради экан. Шунингдек, бу ҳолат раҳбарда муомалада очиклик, муаммолар вазиятларни ҳал этишга тайёрлик, ижодий изланувчанлик, таваккал қилишга мойиллик сингари сифатларнинг ривожланишига ёрдам берар экан [1:240].

М.Б.Горбуновнинг таъкидлашича, раҳбар мажбуриятларининг моҳияти олдида қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтирилган ходимларнинг бошқариш ташкил этишдан иборат бўлиб, ижодий фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Бундан ташқари, бошқарув объектининг мураккабланиши билан, бошқарувга нисбатан талабларнинг ортиши билан ижодга нисбатан ҳам йўл очила боради [2].

Дарҳақиқат, менежернинг касбий маҳорати конкрет вазифаларнинг психологик мазмунини қанчалик тезкор тушуниб олиш кўникмасига боғлиқ. Бошқарув жараёнида куйидаги психологик омиллар муҳим аҳамият касб этишлиги тадқиқотларда ўрганилган:

1. касбий ва шахслараро муносабатларнинг психологик мазмунига;
2. ижтимоий ва функционал роллар тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзаро мослиги;
3. мотивациянинг ўзига хослиги;
4. вертикал ва горизонтал коммуникациянинг характери;
5. бошқарув вазифаларининг тасимоти ва ҳ.

Тадқиқотчи олим С.К.Шекснининг таъкидлашича, субъектларнинг ўзаро таъсири билан кечадиган ижтимоий психологик жараёнлар уларнинг индивидуалликларига сабабли биз ўйлагандан анча мураккаб кечади. Бу ҳолат бошқарувда турли туман қўйилган вазиятларни келтириб чиқаради. Персоналнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан содир бўладиган вазиятларда ҳам самарали бошқариш маҳоратига эга бўлиш муҳим бўлган кўникмаларидан бири ҳисобланади [3].

Бошқарув жараёнининг мураккаблиги ва ўзига хослиги ҳақида гапира туриб, Б.А.Аникин функционал жиҳатдан кўзда тутилмаган ва қачон пайдо бўлиши номаълум бўлган қатор ишлаб чиқариш вазиятлари тўғрисида ёзади [4]. Б.Г.Литвак бошқарув структурасидаги вертикал ва горизонтал функцияларнинг тасимоти ўзаро бир-бирига мос бўлишлиги зарурати ҳақида ёзади [5]. Бундан ташқари инобатга олиш лозимки, фаолият субъектларининг индивидуаллиги билан пайдо бўладиган мураккабликлар бошқарув кўникмаларининг шаклланиши учун замин яратди. Бу мураккабликларга куйидагилар кирди: ходимларнинг маълум тартибга бўйсиниши шартлиги, меҳнат фаолиятининг шарт-шароитлари, турли хил даражадаги масалаларни ечишда шахс имкониятларининг ҳар хиллиги, белгиланган ва ходим томонидан қабул қилинган мажбуриятнинг бир хил эмаслиги ва ҳ.

Менежер фаолияти самарадорлигини таъминловчи шахс омилларини таҳлил қилар экан, Е.Г.Мопп куйидагиларни таъкидлайди: ходимларга таъсир кўсатишга интилиш (доминантликка интилиш), эмоционал турғунлик ва стрессларга чидамлик, тадбиркорлик ва ғалабага интиланлик, вазифаларни бажаришда масъулиятни ўз зиммасига олиш, ақлли таваккалга интилиш, топшириқларни бажаришда масъулият ва ишончлик, мустақиллик, ўз нуктаи назарига эга бўлишлик, ривожланган муомала кўникмаларига эга бўлишлик, креативлик, ижодий масалаларни ечиш қобилияти [6]. Ташкилот тузилмасида раҳбарнинг ўзига хос ўрнини таҳлил қилар экан, А.А.Брасс таъкидлайдики, раҳбар куч ва ҳокимият функциясини ўзида мужассамлаштиради, адолатнинг тимсоли ҳисобланади, унинг ҳулуқ-атвори мунтазам ҳолда ҳам юқори раҳбарият томонидан, ҳам жамоа томонидан баҳоланади [7]. Дарҳақиқат, ҳар доим ҳам ходим раҳбарга боғлиқ бўлавермайди, балки раҳбар ҳам ходимга боғлиқ бўлади, яъни ходимларнинг билимига, малакасига таърибасига, топшириқларни бажаришга тайёрлигига. Бундан ташқари, ҳар қандай раҳбарнинг бошқарув фаолияти ўз ҳамкасбаларига ва иш бўйича шерикларига боғлиқ ҳолда кечади.

Юқорида айтилган барча фикрлар раҳбар фаолиятига таъсир кўрсатадиган, унинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган психологик омиллар тўғрисида бўлди. Юқорида берилган маълумотлар олий таълим муассасаларида бошқарув йўналишида таълим олаётган бўлғуси менежерлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда В.Б.Трафимова ва А.А.Костиналар томонидан ўтказилган бўлғуси менежерлар бошқарув кўникмалари шаклланишининг психологик омилларига бағишланган илмий тадқиқотга қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Тадқиқотдан кўзланган мақсад бошқарув кўникмалари шаклланишига бевосита таъсир кўрсатадиган шахс сифатларини аниқлаш ва уларнинг бошқарув жараёнидаги ўрнини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, синалувчилар учун энг ривожланган ташкилий-бошқарув кўникмалари сирасига куйидагилар кирар экан: раҳбарнинг ташкилотчилиги, стратегик режалаштириш маҳорати, турли хил ноҳуш вазиятларнинг пайдо бўлишини олдиндан ҳис қилиш қобилияти, ишнинг ва олдинга қўйилган мақсадларнинг бажарилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бера билиш кўникмаси, ишнинг сифатли бажарилишига ходимларни сафарбар эта билиш қобилияти, одамларга йўналганлик, уюшган командани ташкил қила билиш маҳорати, ходимларнинг ишончини қозониш ва ҳ. Тадқиқот натижаларидан бири сифатида тағин бўлғуси менежерларда раҳбар қандай инсон бўлиши лозимлиги тўғрисида тасаввурнинг пайдо бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай тасаввурнинг мавжудлиги ҳар қандай бошловчи менежер учун, унинг бошқарув фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.

Синалувчиларнинг ижтимоий коммуникатив компетентлиги таҳлил қилинганда, самарали раҳбар учун зарур бўладиган бир қанча шахс сифатлари аниқланди. Уларнинг орасида статистик жиҳатдан ишончли бўлгани куйидагилардир:

- мулоқотчанлик, очиклик, атрофдагилар билан муносабатларни эркин ва очик ҳолда ташкил этиш, ходимларни ўзаро тушуниш, ходимлар кўз ўнгига обрўнинг ортиб бориши;

- ўз ўзини назорат қилиш, ўзини бошқариш, ишнинг сифатли бажарилиши учун ўта муҳим бўлган сифат – маълум қоидаларга ўзини бўйсиндириш;

- юксак мантикий тафаккур, фаросатлилик, менеджерга фаолият жараёнини тўғри ташкил қилиши учун имкон яратадиган сифат – турли хил мантикий конструкцияларни туза билиш кўникмаси (режа ишлаб чиқиш, мақсад ва вазифаларни қўя билиш ва х.), жамоада бир маромдаги иш жараёнини ташкил этиш.

Демак, бўлғуси менеджерлар ҳали бошқарув фаолияти билан шуғилланмасдан олдин юқоридаги психологик сифатлар тўғрисида тасаввурларга эга бўлмоғи лозим.

Америка ва Япониялик 1500 менеджерни ўрганиш асосида самарали раҳбарликка оид қуйидаги хислатлар ажратиб кўрсатилди:

- стратегик режалаштиришга мойилликнинг кучлилиги;
- ишларни ва ресурсларни тақсимлаш бўйича мақбул қарор қабул қилиш;
- меҳнатга ва жамоага нисбатан ўз масъулиятини оширишга интилиш;
- факултетадаги шароитларда ижодий ва рационал қарор қабул қилиш;
- ўз кучига ишор;
- ўз ҳуқуқларини англаш ва масъулиятни ҳис этиш;
- юксак фидокорлик;
- ижобий мулоқотга эришиш;
- мураккаб вазиятларда тўғри таҳлилни амалга ошириш ва интуицияга таянган ҳолда келажакни прогноз қила олиш;
- меҳнатга юксак қадрият сифатида қараш;
- айбдорни излаш эмас, муаммони ҳал этишга интилиш, таваккалчиликка мойиллик ва мустақил фикрга эга бўлиш;
- амалга оширилаётган ишларга ўз шахсий ишидек қараш [8].

Самарали бошқарувга ҳалакит қиладиган шахс сифатлари ҳам мавжуд бўлиб, бўлғуси менеджерларнинг уларни билиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқарув соҳасидаги машҳур олимлардан М.Вудкок ва Д.Френсис бир қанча синалувчилар фаолиятини тадқиқ қилиб, самарали раҳбарликка ҳалакит берувчи шахс сифатларини аниқлади:

1. ўз ўзини бошқара олмаслик;
2. шахсий қадриятларнинг шаклланмаганлиги;
3. шахсий мақсаднинг аниқ ифодаланмаганлиги;
4. камолотга интилишнинг йўқлиги;
5. муаммони еча олмаслик;
6. ижодий ёндашувнинг етишмаслиги;
7. иттифоқдаги ходимларга таъсир этолмаслик;
8. бошқарув фаолияти хусусиятини яхши билмаслик;
9. бошқарув малакасининг сустлиги;
10. иттифоқдаги ходимларда меҳнат малакасини шакллантира олмаслик;
11. жамоа ташкил этишдаги суст қобилият [8].

Тадқиқотчи Р.Стогдилл томонидан ёзилган “Раҳбар қўлланмаси” китобида самарали раҳбарга хос бўлган муҳим сифатлардан бири сифатида доминантлик кўрсатилади. Доминантлик деганда раҳбарнинг ташаббусни ўз қўлига олиши, гуруҳга етакчилик қилишга интилиши ва мураккаб вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олиши тушинилади.

Қўлланмада эътироф этилган сифатлардан яна бири – раҳбарнинг ўзига ишонч ҳиссидир. Маълумки, ўзига ишонган раҳбарга эргашувчилар кўп бўлади ва раҳбар ўзидаги ишонч туйғусини ўзгаларга ўтказиш орқали жамоани самарали бошқаради.

Пешкадам раҳбарга хос бўлган яна бир муҳим психологик сифат – вазминлик ва сабру бардошдир. Раҳбар ҳамиша ўз ҳис-туйғуларини ўз вақтида жиловлай олиши лозим. Шунингдек, бошқарув фаолиятини самарали қиладиган фазилатлардан бири – муваффақиятга интилиш ҳисобланади. Маълумки, инсонга хос бўлган икки сифат, яъни муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш бошқарув фаолиятида жуда керак бўладиган хусусиятдир.

Р.Стогдиллнинг фикрича, самарали бошқарувни амалга ошириш учун муҳим бўлган психологик сифатлардан яна бири – масъулият ва мажбурият туйғусини ҳар доим ўзида туйиш. Ходимлар юқоридаги туйғуларнинг раҳбарда мавжудлигини англашсалар, уларга бу ҳолат қаттиқ таъсир кўрсатади ва ходимларда бажарилаётган ишнинг самарали яқун топишига ишонччи ошириб юборади.

Бошқарув самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатадиган психологик сифатлардан бири – раҳбарнинг мустақил фикрга эгалиги. Ким нима деса шунга қўниб кетадиган раҳбарнинг жамоада етарли даражада обрўси ҳам бўлмайди. Обрўсизлик эса ўз ўрнида раҳбарнинг таъсир кучини камайтиради.

Бошқарув психологиясидаги муҳим омиллардан бири ва менеджер учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган психологик сифатлардан бири – бошқарув мулоқотидир. Бошқача айтганда, бошқарувда иккала йўналишда ҳам, яъни вертикал (раҳбарлараро) ва горизонтал (ходимлараро) йўналишларда мулоқотни тўғри йўлга қўйиш. Чунки раҳбар фаолиятининг қарайиб тўртдан уч қисми мулоқот орқали амалга оширилади. Ходимлар билан кечадиган мулоқотнинг самарадорлиги меҳнат унумдорлиги билан алоқада эканлиги аниқланган [8].

Шундай қилиб, раҳбар фаолиятидаги самарадорлиқни таъминлаб берадиган, ҳар қандай бўлғуси менеджер келажакда эътиборга олиб қўйиши лозим бўлган шахс сифатлари билан танишиб чиқдик. Маълумки, инсонлар бундай психологик хусусиятлар билан дунёга келишмайди. Биз юқорида санаб ўтган барча психологик сифатлар кейинчалик ҳаёт йўли давомида инсон ўзлаштириб оладиган сифатлар ҳисобланади [10]. Бироқ шуниси аёнки, мазкур сифатларнинг барчаси ҳам бошқарувнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бўлғуси менеджерлар учун ўқишлар ташкил этилганда, уларнинг амалий кўникмаларини шакллантирадиган ва ривожлантирадиган машғулотлар ташкил этилганда биз юқорида санаб ўтган психологик хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, ҳар бир раҳбар ҳам мунтазам суратда ўз устида ишлаши лозим ва шу ишлаш жараёнида мазкур сифатларни ўзида мужассамлаштиришга интилмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, бўлғуси менеджерлар учун зарур бўлган бошқарув кўникмалари сирасига биз юқорида таъкидлаганимиз психологик сифатлар қиради ва уларни ўзида шакллантира бориб раҳбарларнинг бошқарув салоҳияти ошади.

Адабиётлар

1. Буравцова Н.В. Психологическое пространство личности в контексте проблем профессионального образования. // Философия образования. 2010, №1
2. Гарунов М. Развитие творческой самостоятельности специалиста. //Высшее образование в России. 2003, №4.
3. Аникин Г. Высший менеджмент для руководителя. – М.: 2001.
4. Литвак Б.Г. Разработка управленческого решения. – М.: 2003.
5. Мопп Е.Г. Управление карьерой менеджера. СПб., 2003.
6. Брасс А.А. Основы менеджмента. – М.: 2003.
7. Фетискин Н.П. Диагностика коммуникативной социальной компетентности. (КСК). / Фетискин Н.П., Козлов В.В., Мануйлов Г.М. //Социально-психологическая диагностика развития личности и малых групп. – М.: 2002.
8. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006, 230-б.
9. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011, 154- б.
10. Комилов Н., Бегматов А., Куронов М. Раҳбар ва ходим. Тўплам. Тузувчилар: Т.: 1998. 171- 6.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола менеджерларнинг касбий фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради. Бошқарувнинг психологик жиҳатдан ривожланишининг аҳамиятли омиллари қаралиб чиқилди.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются анализ навыков и компетенций, способствующих профессиональному становлению будущих менеджеров. Рассматриваются психологические факторы, влияющие на развитие управленческих навыков.

SUMMARY

The article deals with the analysis of skills and competencies, promoting the professional development of future managers. The author studies psychological factors influencing on the development of managerial skills.

АДАБИЙ МАТН ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

Р.Х.Низометова - педагогика фанлари доктори, профессор

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: бадий образлилик, адабий матн, адабий асар, мустақил фикрлаш кўникма ва малакалари, мустақил фикр баён қилиш, фикр алмашиш, мустақил қарор қабул қилиш.

Ключевые слова: творческий образ, литературный текст, литературное произведение, навыки и умения собственного мышления, изложение мысли, обмен мыслями, самостоятельное принятие решения.

Key words: a creative image, literary text, a literary work, skills and habits of critical thinking, a thought statement, an exchange of thoughts, independent decision-making.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг «Ўзбек тили» дарсларида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган дарсларда талабаларнинг мустақил фикрлашлари билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш борасидаги барча ишлар муваффақиятлар гарови саналади. Ёшларнинг мустақил фикрлашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш эса самарали таълимнинг муҳим омиллари сирасига қиради. Тафаккур мустақиллиги маълум даражада билим олишдаги мустақилликка таяниди, ўз навбатида уни маънан ва руҳан озиклантириб туради.

Адабий асарда сўзга бадий образлилик юкланади. Бу ҳолат таржиманда ҳам услубий бўёқли муқобилларни танлашга ундайди. Грамматик воситалар хусусида ҳам худди шу вазиятга дуч келиш мумкин. Хуллас, адабий материални ўрганишда қадам-бақадам мустақил қарор қабул қилиб боришни тақозо этадиган жиҳатлар ниҳоятда кўп.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини уларнинг мустақиллик намоён этишидан ташқари, яна икки хил маънода тушуниш мумкин:

1) кенг маънода, яъни ўқувчида “шахслик сифатларини шакллантириш, маънавий камолотини таъминлаш ва бу йўлда мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш” [1] мазмунида;

2) тор маънода, яъни билимларни ўзлаштириш, таълим жараёнида фаол иштирок этиш маъносида.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида мустақил фикрлаш билан боғлиқ шахслик сифатлари барча ўқув фанлари дарсларида шаклланиб боради. Ўзбек тили машғулотидаги ана шу йўналишдаги ишлар ўзанида ўзининг муносиб ҳиссасини кўшмоғи зарур.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш жараёнини эркинлаштириш, мустақил фикрлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтириш, бу жараёни методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муаммони ҳал этиш чоратадбирлари сирасига қиради.

Машғулотларни эркинлаштириш шунинг учун ҳам керакки, ўқувчиларнинг адабий матнни ўқиш ва таҳлил қилишда йўл қўядиган хатолари кўпинча баҳога таъсир этади. Шунинг учун баҳони мустақил фикрлашга ғов бўладиган омиллардан бири сифатида тан олиш ва уни бартараф этиш йўллари излаш лозим. Албатта, бу иш ташкилий масалани қайта кўриш, ислоҳ қилиш йўли билан қисқа фурсатда амалга оширилиши мумкин. Лекин асосий қийинчилик бунда эмас. Гап тўғри методик ечимлар топа билишдадир.

Кишининг билими қанчалик кўп бўлса, маънавияти қанчалик бой бўлса, ўз билим қучига ишончи қанчалик барқарор бўлса, у қарор қабул қилишда шунчалик мустақил бўлади. Зеро, билим, маънавият қўшилиб, қарашларни, эътиқодни юзага келтиради.

Дарҳақиқат, ўқувчи адабий матнни ўқиш жараёнида тўлиқ мустақил бўлиши мумкин. Бунинг учун унда етарли сўз бойлиги, турли хил синтактик қурилишдаги гаплар мазмунини тушуниш йўлидаги таҳлил ва синтезлаш, умумлашмалар чиқара олиш қуввати шакллانган бўлиши даркор. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш жоиз:

1) адабий матнни ўқишга қадар ўзбек тилини ўрганиш жараёнида лўғат иши ҳамда турли хил синтактик қурилмаларни таҳлилий ўқишни йўлга қўйиш ва ўқувчиларда бу борада тегишли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш лозим;

2) адабий матнни мустақил ўқиш учун машғулотда каттароқ лўғатга, грамматик воситалар, сўз бирикмалари изоҳига эга бўлган зарур ахборот технологияларидан фойдаланиш керак.

Албатта, адабий матн мазмунини тўлиқ тушунишни таъминловчи ашёлар мавжуд бўлган шароитда ҳам мустақил фикрлашни тайёрловчи чоралар кўрилоғи, иш турлари

жорий этилоғи даркор. Бунда талабаларнинг таълимий ўқиш чоғида айрим лексик ва грамматик хато қилишларига йўл қўйиш, гуруҳли ишлар жараёнида бир-бирининг нуқсонларини кўрсатиб туриш ва аста-секин, оғрикларсиз бартараф этиш ана шундай чоралардан биридир.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда ўзбек тили дарсларида, адабий матн устидаги машғулотларда бажариладиган ҳар бир иш турида муаммоли таълим унсурларини қўллашга ҳаракат қилиш, уларни баҳс-мунозарага, фикрлар беллашувига тортиш муҳим ўрин тутди.

Адабий материални ўқиш жараёнида талабаларнинг сўз бойлигини, грамматик воситаларга доир билимларини ошириш асосий мақсад эмас. Булар адабий ўқишга ўтишда бир кўприк, холос. Асосий мақсад бадий асарнинг мўлжалидан келиб чиққан ҳолда ўқувчини миллий маънавият, ўзбек халқининг ҳаёти билан яқиндан таништириш, ёшларнинг турмуш тажрибасини орттиришдир.

Ўзбек халқининг миллий маънавияти, турмуш тарзи билан танишмоқчи бўлган одамга бадий асарлар ёрдамга келади. Аксинча, шунчаки унинг кўрган-кечирганлари эса таассуротларнинг юзакли, нуқсонли бўлишига ўрин қолдиради. Бадий фильмларда ҳам ўзбекларнинг ҳаёти яққол тасвирланади. Лекин ҳаётда ҳам, фильмларда ҳам одамлар орасидаги шарқона муносабатларнинг мотивларини илғаш қийин кечади. Бадий асарда эса ёзувчининг муносабати, позицияси, қаҳрамонларнинг бир-бирларига берган баҳолари қўшилиб боради. Мустақил фикрловчи талаба учун адабий материални ўқиб-ўрганиш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакалар ниҳоятда зарурлиги ана шунда ҳам намоён бўлади.

Бинобарин, ўқувчи ўзининг фикрини мустақил баён эта олишдан тортиб айрим муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қила билишигача бўлган даражаларда малака ҳосил қилиши лозим. Адабий материаллар талабанинг ҳаёт тажрибасини ишга солиш асосида турли хил ҳаётий вазиятларда тўғри ҳулосага, тўғри ечимга, тўғри йўл танлаш, белгилашга ўргатуви мактаб вазифасини ўтайди.

Баҳслашиш эҳтиёжи етилиб келаётган фикрлаш жараёнининг ифодаси бўлибгина қолмай, шаклланиб келаётган шахснинг ўзлигини қарор топтириши, ўзининг баҳслашиш, бирор нарсани ҳал этиш, мустақилликда қатталар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ёқлаш эҳтиёжидир. Баҳс чоғида ўқитувчи ўқувчилар билан баббаравар ҳақиқат изловчиси бўлиб ҳаракат қилади. Ана шу баҳсда у ўз билимдонлигини намоён этиши, чунки кенгрок фикрлайди, яхши асослайди, бу фазилатлар эса ўқувчиларда қатта ҳурмат уйғотади. Баҳсларда ҳар бир ўқувчининг “шахсий фикри”, ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси жуда қадрланади.

Ўқувчи адабий матнни ўрганишда фаол мавқеда бўлса, шундай мавқе таъминланса, унинг мустақил фикрлаши ўз қобилиятдан куч олади. У бошқаларнинг фикрлари билан ҳам қизиқади, баъзан уларга танқид кўзи билан қарайди. Р.В.Глинттершчикнинг аниқлашича, ўқув-билув фаоллиги методик фаолликка олиб келади: дарсда бундай ўқувчи фақат эмоционал ва ақлий зўриқиш дақиқаларининг қадрлайди, адабиётни қандай ўрганган бўлишини аниқ ва равшан аниқлайди, ўз ақлий фаолиятини назорат қилиш ва йўналтиришга ҳаракат қилади [2]. Методист олим С.Матчоновнинг қуйидаги таъкиди ҳам ғоятда ўринли: “Ўқиш-ўрганиш малака ва кўникмаси шаклланган кишигина билимларни пухта ўзлаштириши мумкин” [3].

Хуллас, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг рус гуруҳларида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган дарсларда талабаларнинг мустақил фикрлашлари уларда мустақил билим олиш, ўзларида шунга монанд кўникма ва малакаларни шакллантириш замирида амалга ошади, мустақил фикр баён қилиш, фикр алмашиш, айниқса, баҳслашиш жараёнида ривожланади, натижада машғулотлар самарали ўтади.

Адабиётлар

1. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Тошкент: Узинкомцентр, 2003.
2. Глинтершчик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме психологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под.ред. Проф. А.М.Докусова. –М.: «Просвещение», 1974. – С. 25-26.
3. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш / Пед.фанд.ри ... дисс.автореферати. – Т.: 1997.

РЕЗЮМЕ

Маколада адабий матн мазмунини тўлиқ тушунишни таъминловчи ашёлар мавжуд бўлган шароитда ҳам мустақил фикрлашни тайёрловчи чоралар кўриш, иш турларини жорий этиш зарурлиги кўзда тутилган. Бунда талабаларнинг таълимий ўқиш чоғида айрим лексик ва грамматик хато қилишларига йўл қўйиш, гуруҳли ишлар жараёнида бир-бирининг нуқсонларини кўрсатиб туриш ва аста-секин, огрикларсиз бартараф этиш зарурлиги билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается важность внедрения видов работ, пути подготовки к самостоятельному мышлению, даже при обеспеченных материалами условиях, для полного понимания содержания литературного текста. Здесь описывается показ недостатков друг друга в процессе групповых работ и важность постепенного, лёгкого преодоления допущения некоторых лексических и грамматических ошибок во время обучения студентов.

SUMMARY

The article deals with introductions of different kinds of work, ways of the preparation for critical thinking, even being provided with materials, for the full understanding the content of the literary text. Here are described the demonstration each other's lacks in the group works and gradual, easy overcoming of some lexical and grammatical errors in teaching students.

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ АХЛОҚИЙ – ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ - ДОЛЗАРБ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК МУАММО

Ч.А.Сабинова - катта илмий ходим – изланувчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: юксак маънавият, умуминсоний кадриятлар, таълим, тарбия, ахлоқ, маънавий - ахлоқий тарбия, эстетик тарбия, одоб – ахлоқ, соғлом авлод, маънавият, методологик мезонлар, маданий - тарихий мерос, баркамол шахс.

Ключевые слова: высокая духовность, общечеловеческие ценности, образование, воспитание, нравственность, духовно – нравственное воспитание, эстетическое воспитание, этика, здоровое поколение, духовность, методологические принципы, культурно – историческое наследие, всесторонне развитая личность.

Key words: spirituality, education, upbringing, human values, education morality, spiritual and moral upbringing, aesthetic upbringing, ethics, healthy generation, methodological, principles, cultural and historical heritage, widely-developed personality.

Ўзбекистонда давлат таълим сиёсатининг асосий йўналишларидан бири таълимни ривожлантириш, ушбу жараёнда ёшларни баркамол, маънавиятли, етук мутахассис кадр қилиб камол топтиришдир. Давлат таълим сиёсатида ёшларни миллий, умуминсоний кадриятларга асосланган ҳолда тарбиялаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов “юкори маънавият” – мамлакатимизнинг “буюк келажаги” [1:17] деб ҳисоблайди ва “маънавий баркамол кишилар тараққиётни таъминлайдилар” [2:42] деб таъкидлайди, шу сабабдан кадрларнинг янги авлодини ўқитиш ва тарбиялаш муқаррар равишда ҳамда уларнинг профессионал даражада “ривожланиши ва янгиланиши” керак [6:25], бу айниқса “амалий тарбияга” тааллуқлигини таъкидлаб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош ғояси таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, миллий таълим тизимини жаҳон таълим стандартларига тенглаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ замонавий билимларни пухта эгаллаган, эркин, мустақил фикрловчи, ҳар томонлама ривожланган комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир [4:4].

Ёшларни ахлоқий – эстетик тарбиялаш – давлат аҳамиятига молик биринчи даражали масала бўлиб, унинг ҳал этилиши учун улкан ишлар амалга оширилган. Масалан, бунга мисол давлат хужжатлари – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президентимизнинг таълим соҳасидаги чиқарган фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳадаги қарорлари, фармойишлари ва ҳоказоларни келтиришимиз мумкин. Мазкур хужжатларда маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, маънавий- ахлоқий ва эстетик тарбия миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланиши, ўсиб келаётган ёш авлоднинг шахсини ривожлантириш ва камол топтириш зарурлиги таъкидланади. Юртбошимиз ўз асарлари ва маърузаларида мамлакатимизнинг тикланиши ва жамиятимизнинг ривожланиши ҳозирги замон кишининг маънавий баркамоллигига, янги, соғлом авлодга боғлиқлигини таъкидлайди: “Соғлом авлод – мамлакатимиз келажаги” [7] ва жамият келажагида маънавий ва ахлоқий тарбия муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади. “Биронта жамият ўз келажагини маънавий салоҳиятини, инсонлар онгида маънавият ва ахлоқий кадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашсиз тасаввур қила олмайди” [3:131]. Президентимиз, ёшлар тарбиясига муносабатни қайта кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайди ва - “Маънавий юксак инсонларгина тараққиётни таъминлайди” [2:42], деб эслатади. Бу муаммони ҳал этишни кечиктирмаслик керак: “Биз ёш авлодни тарбиялашга

аҳамият бермас эканмиз, келажакни йўқотамиз” [5:13]. Шунинг учун Президентимиз таълим ва тарбия “ривожланиши ва янгиланиши” керак, деб ҳисоблайди [6:25], бу ривожланиш ва янгиланиш маънавий-ахлоқий юксалиш орқали кечиши ва инсон шахсининг ривожланишига йўналтирилган бўлиши керак. Хусусан, Президентимиз одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик тамойиллари [1:16], шу жумладан, умуминсоний кадрият ҳисобланган ва янги мазмун билан тўлдирилган аънаналари, [1:60] мезон сифатида хизмат қилиши кераклигини қайд этади ва инсон омили, тарихий – педагогик аънаналар, қадимий тарих ва маданиятга алоҳида эътибор қаратади. Чунки инсонпарварлик даражасида “қадимий тарих ва маданият маънавий-ахлоқий онгга улкан таъсир кўрсатади” [1:10]. Фақат, таъкидлайди Юртбошимиз, бу аънаналарни “уйғотиш, янги мазмун билан бойитиш зарур” [1:60]. Миллий-маънавий, тарихий-маданий меросга энг муҳим ўрин берилади. Бу табиий, қадимдан халқнинг маънавий дунёси, авваламбор, унинг ахлоқий ва эстетик маданиятидир ва бу маданият баркамол шахсни тарбиялайди.

Ҳозирги олий таълим тизимида талаба ёшларни маънавий-эстетик ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Юртбошимиз айтганидек, “амалий тарбия” йўлга қўйилмоқда [2:48], унинг усуллари, методикаси такомиллаштирилмоқда, дарсликлар қайта кўриб чиқилмоқда [2:49]. Талаба ёшларни маънавий-ахлоқий, маънавий-эстетик, ахлоқий-эстетик тарбиялашда туб ўзгаришлар юз бермоқда, тарбиянинг талаба ёшлар шахсининг баркамол ривожланишини таъминловчи турли жиҳатлари такомиллаштирилмоқда.

Президент И.А.Каримов давлат нуқтаи назаридан ҳозирги кун ёшларини маънавий, ахлоқий камол топтириш зарурлигини методологик асослаб берди ҳамда ҳозирги кун ёшлари шахсини ривожлантириш ва камол топтириш мақсадида тарбия муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этишга зудлик билан киришишга даъват этади. Шу билан бирга таълим тарбияни ривожлантириш ва янгилаш йўллари, йўналиши ва омиллари, принциплари, воситалари ва мазмунини белгилаб беради. Юртбошимиз, талаба ёшларни тарбиялаш тизимида таълимий-ижобий ўзгаришлар киритиш тарафдори. Бу, биринчи навбатда халқ таълими соҳаси мутахассислари – педагог кадрларни тайёрлашга тааллуқлидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида талабаларни тайёрлашга муносиб ўрин берилган: методологик мезонлар, мақсад ва вазифалар аниқ кўрсатилган, асосий тартиб-қоидалар ва йўналишлар белгилаб берилган, ёш мутахассислар тарбиясининг моҳиятига эътибор қаратилган. Шахсни камол топтириш мақсадида ёш

кадрларни маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялаш усуллари ва шартларини такомиллаштириш олқишланади, чунки бу жамият ва давлат равнақи гаровидир. Дастурда, шунингдек, тарбия жараёнида халқимизнинг маданий-тарихий меросига, умуминсоний қадриятларига мурожаат қилиш, талаба ёшларда айнан миллий ва умуминсоний фазилатларни тарбиялаш зарурлиги диққат марказига олинади. Шу туфайли тарбияни ўқувчининг шахсига қаратиш, ижтимоий ҳаётга мослаштирган ҳолда, унинг онгига инсонпарварлик фазилатларини сингдириш зарур. Дастурда ўқув-тарбия жараёнида шаклландирилган ва баркамол шахснинг ажралмас қисми бўлган асосий фазилатлар баён этилиб, маънавий-эстетик ва ахлоқий фазилатлар биринчи ўринга қўйилган.

Давлат ҳужжатида бўлажак кадрларни давлат таълим сиёсати талабларига, И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида ёш авлодни тарбиялаш борасида белгилаб берилган позицияларга мувофиқ ахлоқий, эстетик тарбиялаш усуллари, шарт-шароитлари ва педагогик асосларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва асослаб бериш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурда тарбиянинг жиҳатлари салмоқли ўрин эгаллаган. Юқори технологиялар, инновацион-педагогик ёндашувларни қўллаган ҳолда ахлоқий ва эстетик тарбияни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилади. Чунки айнан шулар, бўлажак мутахассислар, шу жумладан, педагог кадрлар шахсининг ривожланиши ва камол топишини таъминлайди. Дастур мамлакатимизнинг педагогика фани намоёндаларини тарбия муаммоларини фаол тадқиқ қилишга даъват этади. Миллий дастур тарбия-педагогика муаммоларини ҳал қилишнинг методологик усуллари белгилаб беради. Шу муносабат билан талабаларни, авваломбор, маънавий-ахлоқий, эстетик ва ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик ва социал-ижтимоий роли ва аҳамияти алоҳида таъкидланади. Дастур талаба ўқувчиларнинг шахсига, шахснинг энг муҳим фазилатлари ва қобилиятларини шакллантиришга катта эътибор беради. Дастур барча таълим структураларида тарбия жараёни, унинг мазмуни, тизими, технологияси, шакл-шамойиллари, усул ва услубларини такомиллаштиришни ва янгиларини излаб топишни талаб қилади.

Давлат таълим сиёсатида (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва таълим-тарбия бўйича бошқа давлат ҳужжатларида) ўқувчи-талабаларни миллий ва умуминсоний маданий-тарихий ва бадий

қадриятларга таянган ҳолда инсонпарварлик тамойиллари ва миллий тикланиш ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялаш масаласига катта аҳамият берилганлигини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак мутахассиснинг шахсига самаралироқ ахлоқий ва эстетик таъсир кўрсатиш мақсадида ушбу муаммоларни комплекс ҳал қилиш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Давлат таълим сиёсатида таълим-тарбия жараёнида тарихий-педагогик меросга мурожаат қилиш, айнан буюк шарқ мутафаккирларининг педагогик ғояларидан фойдаланиш амалиёти кенг тарғиб қилинади. Шарқнинг ўрта аср файласуф, аллома педагогларининг инсон, шахс, унинг ахлоқи, одоб-тарбияси, маънавий қиёфаси, тарбияланувчига эстетик таъсир ўтказиш, инсоннинг муҳим ахлоқий-эстетик фазилатлари, унинг ривожланиши ва камол топиши, ахлоқий-эстетик тарбиянинг энг таъсирчан усуллари ва воситалари тўғрисидаги ғоялари ва мулоҳазалари шу кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган. Айтиш жоизки, Шарқ мутафаккирлари таълим-тарбия борасида фикр юритар эканлар, баркамол инсоннинг шаклланишида ахлоқий-эстетик тарбия алоҳида ўрин тутишини доимо таъкидлаб келганлар.

Шу жумладан, Имом ал – Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Замахшарий, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларимизнинг бадий меросини ўрганиш орқали бугунги кунда талабаларда ахлоқий – эстетик тарбияни шакллантиришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ахлоқий-эстетик тарбия, бу нафақат билим, балки этика-эстетика қоидаларига монанд гўзал, инсонсевар амаллардир. Айнан шундай ахлоқий-эстетик тарбия ижтимоий-ишлаб чиқариш истикболига эга шахсни камол топтириш омилдир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, келажақда ўқитувчи бўлишга тайёрланаётган талаба ёшларни тўлақонли ахлоқий-эстетик тарбиялаш – бу ахлоқий-эстетик хусусиятларни ва айниқса инсонпарварлик – эстетик фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий ва шахсий хусусиятларни тарбиялашдир. Бўлажак ўқитувчиларни тўлақонли ахлоқий-эстетик тарбиялаш учун нафақат маънавий-эстетик, ахлоқий, инсонпарварлик асослар, балки юксак маънавий, эстетик салоҳиятга эга материал – халқ оғзаки ижодиёти, адабиёт, поэзия, тасвирий санъат ва, албатта, педагогик мерос, тарихий-маданий ёдгорликлар, миллий анъаналар зарур.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлида. – Т.: “Ўзбекистон” 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий принциплари. – Т.: “Ўзбекистон” 1995.
3. Каримов И.А. Фаннинг вазифаси – Ватан равнақига хизмат қилқш: Бизнинг мақсад – эркин ва фаровон Ватан. – Т.: “Ўзбекистон” 1995.
4. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иноғомова Д. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: ТДПУ Ризографияда чоп этилган 2012.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори 1997, 27 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқи. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. Маърузалар тўплами. -Т.: “Шарқ” 1997.
6. Каримов И.А. Мафқура – бу миллатни, жамиятни, давлатни бирлаштирувчи байроқ. “Тафаккур” журнали бош редакторининг саволларига жавоблар. – Т.: “Ўзбекистон” 1998.
7. Каримов И.А. Соғлом авлод – мамлакатимиз келажаги. Асарлар тўплами. – Т.: “Ўзбекистон – ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлида” Т.8.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон давлат таълим сиёсати даражасида талабаларни ахлоқий - эстетик тарбиялаш қандай амалга оширилаётганлиги ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается деятельность по осуществлению задач государственной образовательной политики в области нравственно - эстетического воспитания студентов.

SUMMARY

The article deals with moral and aesthetic upbringing of students according to state educational policy of Uzbekistan.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ш.Н.Тайлакова - катта ўқитувчи

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти, таълим, тарбия, ғоявий тарбия, ўқувчи-ёшлар, оммавий ахборот воситалари, ТВ, радио, интернет.

Ключевые слова: гражданское общество, образование, воспитание, идейное воспитание, ученик, молодёжь, СМИ, телевидение, радио, Интернет.

Key words: civil society, education, upbringing, ideological education, young students, MASS-MEDIA, television, radio, Internet.

Таълим тизимининг ғоявий тарбия жараёнидаги муносиб ўрнини таъминлаш ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратётган республикаимиз учун муҳим аҳамиятга эгалиги маълум. Бинобарин, қўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассам этган миллий мафқура

ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.

– Мен, деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, -Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк

маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир [3:3].

Мазкур долзарблик таълим тизимининг ўқувчи-ёшларимиз онгида миллий ғоямизнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур билимларни ҳосил қилиш, уларда ўзига хос мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ғаразли максалларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган мафкура шакллариининг хавфини бартараф этишдаги ўзига хос мавқеи билан ҳам белгиланади.

Таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнда эса, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниятда катта эканлигини бугун ахборот асрида яшаётган ҳеч бир инсон инкор эта олмайди. Негаки, матбуот, радио, телевидение каби воситаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ахборотни кенг жамоатчиликка, шу жумладан ўқувчи-ёшларга етказиб берувчи жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш қувватига эга кучдир.

Оммавий ахборот воситалари ўқувчи-ёшлар ғоявий тарбиясининг муҳим бўғинидир. Улар ижтимоий ҳаётдаги муайян воқеа, ҳодиса ёки муаммо юзасидан ахборотни етказиб бериш орқали, унинг жамият учун аҳамияти, кенг аҳоли қатламлари учун долзарблигини таъкидлайди. Ахборот оқими ҳажман кенг, мазмунан ранг-баранг, узатилишга кўра тезкор бўлган бугунги кунда бу жараён янада чуқурлашиб бормоқда. ОАВнинг таъсир кучи бериладиган материалларнинг тезкорлиги, кўтарилаётган масалаларнинг долзарблиги ҳамда таҳлилийлик даражасига ва мавжуд муаммоларнинг самарали ечимларини тақлиф этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Мафкуравий тарбия тизимида ОАВнинг ўрни ҳақида гап кетар экан, узатилаётган ахборотларнинг объективлиги масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Ахборотнинг объектив эмаслиги уларга ишончсизликнинг шаклланиши ҳамда нотўғри тасаввурнинг илдиз отишига ва жамиятда кечаётган жараёнларнинг моҳиятини тушуномасликка сабаб бўлади.

ОАВ ҳозирги даврдаги ғоявий курашга ўзига хослик бағишламोқда. Бу жумладан, маълумотлар оқими манфаатдорлик нуқтаи назаридан етказилишида ёки қарама-қарши ҳаракатдаги маълумотларни атайлаб пойма-пой бериш орқали ўқувчи-ёшлар идрокини сусайиштиришга интилишда яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, бу ўзига хослик жамият аъзоларидан тизимли равишда ахборотнинг муайян қатламини яширишга, уларни муҳокама объектга айлантирмасликка интилишда ҳам яққол кўринади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга” [1:113.] Мана шундай вазиятда ҳар бир инсон ўз мустақил фикрига, мустаҳкам иродасига таянган ҳолда, мафкуравий хуружларга қарши тура олади. “Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эътибор туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантирмиз зарур” [1:115].

Глобаллашган ахборот асрида ўқувчи-ёшлар онги ва қалбига миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдириш, уларнинг маънавиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг долзарблигини ҳисобга олиб, ўқувчи-ёшлар ҳаётида ОАВнинг аҳамиятини, маънавиятнинг шаклланиш жараёнида унинг тўтган ўрнини ўрганиш.

Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларига ўқувчи-ёшларнинг муносабатлари ва бу материаллар уларнинг маънавиятга қандай таъсир этаётганига баҳо бериш учун махсус сўровнома ишлаб чиқилди. Тажрибалаб жараёнида амалга оширилган Анкета (Сўровнома) усули оммавий коммуникация муаммоларини ижтимоий-педагогик, психологик нуқтаи назардан ўрганишда энг кўп қўлланиладиган усуллардан биридир. Бу усул ижтимоий психологияда, социологияда ва статистикада кўпроқ қўлланилади. Унинг афзаллиги шундаки, в қисқа вақт ичида кенг ҳажмдаги маълумот олиш имконини беради. Шунинг учун бу усулни талкиотимизда қўллашни максалга мувофиқ деб билдик. Сўровнома таркибида оммавий ахборот воситаларига, ҳусусан теле. радио маҳсулотлари, интернет хабарларига доир қатор саволлар мўжассамланган. Мазкур сўровнома ўқувчи-ёшларнинг қайси ОАВ турига кизиқиши билан эканлиги (ТВ, радио ёки интернет), қандай мезонларга кўра, в (ўқувчи) айнан ўша ёки танлаган ОАВ турини билан вақтини кўпроқ ўтказиши, қолаверса, ўқувчининг эътиёжлари, мотивлари ва хоҳиш-истаклари, вй-фиқолалига оил маълумотларини олиш имкониятини берувчи саволлардан иборат. Бу маълумотлар бизга илмий талкиот имни нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, белгиланган қатор вазифаларни ёритишга, ечим топиш ва муҳим ҳулосалар чиқаришга хизмат қилади. Тажриба-синов ишлари Тошкент ва Самарқанд шаҳридаги қатор таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари орасида олиб борилди. Талкиотнинг асосий максали - ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари аҳамиятини мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда жараёни янада такомиллаштиришда тавсиялар, механизмлар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этилиши.

Дастлабки жараёнларда биз сўровномани 30 ўқувчилан иборат битта синфда ўтказдик, тажриба таҳлили шуни

кўрсатдикки. ОАВ мавзуси ва унга доир жараёнлар, муаммолар, саволларга улар бефарқ эмас. аини ахборотлашган шабоитда турли информацион материалларга нисбатан кизиқиши ниятда катта эканлиги яққол маълум бўлди. Шундан сўнг, асосий синов жараёнларига ўтдик ва тажриба майдонларини кенгайтирдик.

